**Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!**

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan | «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri | www.turkiston.uz | 2013-yil 28-dekabr, shanba № 103-104 (15742)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшганини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

— шоирнинг «Сайланма» асарларини;

— «Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида» тўпламини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

— шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

— мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида шоир ижодига бағишланган учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

— Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф яшаган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Солор кўчаси, 1-уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

— 2014 йил апрель ойининг охирида Ўзбек Миллий академик драма театри биносида шоир хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари белгилансин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 27 декабрь*






Носир Ҳайдаров олган суратлар

3-бетга қаранг

Bayram yangiligi

## «Президент совғалари» йўлга чиқди




**Янги йилни юртимиз болалари ҳар гал катта қувонч ва шодлик билан қарши олади. Бу байрамни совғаларсиз тасаввур қилиш қийин, албатта.**

Янги йил арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг байрам совғаларини улашиш яхши анъанага айланган. Бу йил ўн бир минг дона «Президент совғаси» тайёрланди. Совғалар ўн икки номдаги ўқув қуроллари ва турфа ширинликлардан иборат бўлиб, чиройли ўрамларга солинган.

Ҳозирга қадар барча Президент совғалари автомобиль ҳамда ҳаво транспорти орқали ўз манзилларига етказилди. Улар бўлғуси эгалари учун байрам сюрпризи бўлади. Совғалар болажонларга «Президент арчаси» тадбирларида тарқатилади.

Эслатиб ўтиш керак, «Президент арчаси» шодиёналари Халқ таълими вазирлиги ва «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларга меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари таклиф этилади.

«Президент арчаси» доирасидаги асосий тадбирлар 29-30 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида бошланади. Уларда Тошкент шаҳри ва вилоятидаги барча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, маҳаллалардаги ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган жами уч мингдан ортиқ болалар ҳамда мустақиллик йилларида Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиб, юртимиз тинчлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг фарзандлари қатнашади.

**Наргиза БАҲОДИРОВА,**
**«Turkiston» мухбири**

# ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ

## 28 декабрь — Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва ғояси асосида Мустақиллик майдонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари майдоннинг манзарасини, мазмун-моҳиятини бутунлай ўзгартирди. Ана шундай пухта ўйлаб, изчиллик билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари самарасида бугун мамлакатимизнинг бош майдони юртдошларимиз учун севимли сайилгоҳ, табаррук зиёратгоҳ ва юксак маънавият масканига айланди.

Доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Кундузлари қуёш нурида, тунлари эса нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган ҳар бир киши ажиб бир сокинликни, ушбу сокинлик замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йилнинг 28 декабрида Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси ифода этилган муаззам ҳайкал қад ростлади. Президентимизнинг таклифига биноан ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадиий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўл — Мустақиллик йўлининг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Майдоннинг кўркига кўрк қўшиб турган бу обида, ундаги Ер курраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўрган юртдошларимиз шуурида чексиз ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Фарзандини бағрига олиб турган бахтиёр она сиймосида ўз онасини, беғубор болалигини, баркамол авлодини кўргандек бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Шу жиҳатдан, мамлакатимиз бош майдони марказида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали юртимизда оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида куртак ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу амаллардандир.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан кириб келаётган 2014 йилга Соғлом бола йили, деб ном берилганидан асосий мақсад ҳам халқимизнинг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни бўлган соғлом ва баркамол фарзандлар тарбиясига, уни бағрида ардоқлаб, эзгу фазилатлар руҳида камолга етказадиган аёл зотини улуғлаш, соғлом ва аҳил оилани эъзозлашдир.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда миллат генофондини соғломлаштириш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор мақсадига айланди. Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги изчил ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, узвийлик ва мунтазамлик касб этди. Мамлакатимизнинг нафақат шаҳар ва туманлари, балки чекка қишлоқларида ҳам қад ростлаётган замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, муҳташам спорт иншоотлари ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Мустақил ҳаёт остонаси сари одимлаётган келин-куёвлар эзгу ният билан Эзгулик арқасидан ўтиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўяр экан, Ватанини, оиласини кўз қорачиғидек авайлаб-асраш масъулиятини янада чуқурроқ англайди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни йирик халқаро мусобақаларга жўнатиш, юртимизда йирик халқаро тадбирларни ўтказиш олдидан ушбу обида пойига гулчамбарлар қўйиш яхши анъанага айланди. Юртимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу Монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этмоқда. Мактаб остонасига қадам қўяётган ўқувчиларнинг Мустақиллик дарслари ҳам айнан шу мўътабар масканда ўтказилмоқда.

Шу кунларда Мустақиллик майдони янада кўркам ва файзли қиёфага кирган. Янги йил байрами арафасида қад ростлаган улкан арчадаги турфа безаклар ва камалакранг чироқлар, майдонда барпо этилган эртаклар шаҳарчаси барчага завқ-шавқ улашмоқда. Болажонларнинг шўх-шодон овози муаззам меъморий ансамблга уйғунлашиб, янада бетакрор жозиба касб этган.

Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг бетакрор қиёфаси, ҳаётбахш фалсафаси билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ёруғ келажак сари катта умид ва ишонч билан интилиши ҳамда унинг қандай буюк ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этаверади.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

Yoshlar festivali doirasida

# Самимий учрашув

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалига якун ясади. Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 13-14 декабрь кунлари пойтахтимизда ёшлар фестивалининг тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.**



Мазкур тарғибот тадбирлари пойтахтимизда 71 та манзилда ташкил этилиб, унда ўн уч минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Фестиваль доирасида бир гуруҳ фаол ёшлар давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида бўлишди. Улар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ҳамда қўмита аъзолари билан учрашди. Ёшлар учрашувдан сўнг Олий Мажлис биносини томоша қилиб, депутатларнинг иш жараёни билан яқиндан танишишди. Олий Мажлис Сенати биноси ва сенаторларнинг иш жараёнини кузатишди.





Ҳоким ва ёшлар учрашувида «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев, туман ҳокимлари, ёшлар масалалари билан шуғулланувчи ташкилот раҳбарлари, Ҳаракатнинг туман кенгаши раислари ва фаоллари, шунингдек, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган бир гуруҳ ёшлар иштирок этди. Ёшларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, ҳудудларда иқтидорли ёшларнинг қўлга киритаётган ютуқларини рағбатлантириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган учрашувда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ва янгиланишлар, ёшларга яратилаётган шароит ва имкониятлар ҳақида гапириб ўтди.

— Ҳар бир ёш меҳнат ва ижод қилишдан тўхтамаслиги керак, — деди Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов. — Баъзи ёшларимиз тезда бойиб кетишни истайди. Меҳнатсиз нарса қандай келган бўлса, шундай кетади. Кимки мард, тўғрисўз, ҳалол бўлиб, Ватанимизга сидқидилдан меҳнат қилса, барча эзгу орзуларига эришади. Бунинг учун мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳамда олий таълим муассасаларида яхши ўқиб, ўз мутахассислигини пухта эгаллаши керак.

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган учрашувда ёшларга оид турли мавзуларда фикр-мулоҳазалар юритилиб, зарур таклиф ва тавсиялар билдирилди. Айниқса, ёшлар пойтахтда ҳам «Ёшлар маркази» ва «Ёшлар боғи» ташкил этилишини истаэшди.

Учрашув давомида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалининг турли номинациялари бўйича бир гуруҳ ёшлар тақдирланди. Унга кўра, «Энг фаол «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси» номинациясида 1-Тошкент педагогика коллежи бошланғич ташкилоти етакчиси Акмал Мусаев, «Ҳаракатнинг энг фаол туман кенгаши» номинациясида «Камолот» ЁИҲ Чилонзор тумани кенгаши, «Энг яхши лойиҳа муаллифи» номинациясида ishga.uz сайти муаллифи Алишер Тожиев, «Йилнинг энг ташаббускор «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши ходими» номинациясида маънавий-маърифий лойиҳалар бўлими мудири Ўткир Маҳкамов, «Энг фаол ҳамкор ташкилот» номинациясида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ғолиб деб топилди.

Бундан ташқари, бир гуруҳ Ҳаракатнинг туман кенгаши ходимлари ва иқтидорли ёшлар йил давомидаги фаоллиги учун Тошкент шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

**Рустам ЮСУПОВ,**
**«Turkiston» мухбири.**
Сардор Муллажонов олган суратлар.

Iste'dodli yoshlar — mamlakat kelajagi

# Янги авлоднинг янги юлдузлари




**Камалакни кузатганмисиз? Эътибор берсангиз, унинг ранг-баранг жилоси кишини мафтун этади. Бу — табиатнинг бир мўъжизаси, холос. Бироқ пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида порлаган камалак жилоси мўъжиза эмас, балки ҳақиқий истеъдод ва ижодкор ёшларнинг чиқиши эди. Улар — «Камалак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивали ғолиблари. Саҳнада ўзининг билими, салоҳияти ва иқтидори билан ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, архитектура ва дизайн, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишларида яратган янгиликлари орқали митти юлдузларга ўрнак бўла оладиган, шу юртнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган «Юрт келажаги» республика иқтидорли ёшлар танлови ғолиблари ҳам саф тортишди.**






Мазкур мега танловлар Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилди. Унинг ҳудудий финал босқичлари жорий йилнинг 11-26 декабрь кунлари Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрида якунланган «Камалак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг финал босқичида пойтахт ва Тошкент вилоятида ғолибликни қўлга киритган 253 нафар иқтидор эгаси, «Юрт келажаги» республика танловида эса Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 130 нафар ёш уч кун давомида ўз маҳоратларини намойиш этди.

«Камалак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалида қатнашиш истагини билдирган уттиз беш минг нафарга яқин ўғил-қизлардан аризалар қабул қилинган. Танловда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган иштирокчилар мумтоз ва миллий мусиқа чолғулари ижрочилиги, анъанавий ва академик хонандалик, хореография, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намоён этишди. Фестиваль жараёнида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, таниқли санъат ва маданият вакиллари ҳамда ташкилотчилар бевосита саралаш жараёнида қатнашиб, ёш истеъдод эгаларининг маҳоратини баҳолашди.

«Юрт келажаги» республика танловига эса саксон тўрт мингдан ортиқ ариза келиб тушди. Танловда ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган йигит-қизлар архитектура ва дизайн, ахборот-коммуникация технологиялари ва рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишларида ўз қобилиятларини синаб кўришди.

Танловнинг барча ҳудудий финал босқичлари доирасида ёш рассомлар ва ҳунармандлар кўргазмалари, шунингдек, санъат намояндалари иштирокида мастер-класс, турли маданий тадбирлар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ташкил этилди.

Юқорида қайд этилган танловларнинг Тошкент шаҳар ҳудудий босқичида 383 нафар иқтидор эгаси ўз йўналиши бўйича Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент давлат техника университетида ижодий ишларини ҳакамлар ҳайъати олдида ҳимоя қилишди. Уч кун давом этган саралаш жараёнларида ноёб истеъдод эгаларининг янги авлоди кашф этилди. Уларнинг номлари «Туркистон» саройида ҳар икала танловнинг финал босқичи якуни сифатида ташкиллаштирилган гала-концерт дастурида эълон қилинди.

— Тўғриси, ғолибларни аниқлаш бизларга ҳам осон бўлмади, — дейди танловнинг ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Жаҳонгир Иброҳимов. — Танлов иштирокчилари орасида бир-биридан истеъдодли, маҳоратли ва серқирра ижодкор ўғил-қизлар кўп.

Барчага бирдек байрам шукуҳини улашган тақдирлаш маросимида танловнинг ҳар бир йўналиши ғолиблари олқишлар остида тақдирланди. Улар учун санъаткорлар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар ўзгача қувонч бағишлади. Гарчи ана шундай қувончли онларни ўз кўзлари билан кўролмаса-да, бутун вужуди билан ҳис этаётган Ўғилой Ҳошимова «Камалак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг шеърият ва адабиёт йўналиши ғолибига айланди. У Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси. Ўғилой Ҳошимова шеър, ҳажвия ва ҳикоялар ёзади. Унинг «Элакка чиққан хотин», «Самимият» номли ҳажвиялари, «Синовли дунё» ҳикояси ўқувчиларга ҳавола этилган.

— Болалигимда ўзбек халқ эртакларидан ташқари чет халқ эртакларини ҳам ўқиб катта бўлганман, — дейди Ўғилой. — Кўпроқ Абдулла Қодирий, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Тоҳир Малик асарларини севиб ўқийман. Беш йилдирки, шеър машқ қилиб келаман. Асосан, она, Ватан ҳақида ёзаман. Орзуим бир олам. Улардан бири — ўзбек адабиёти равнақига муносиб ҳисса қўшиш. «Камалак» юлдузлари» каби танловларнинг ўтказилиши мен каби ҳаваскор ёш ижодкорлар қўллаб-қувватланаётганидан дарак беради.

Танловнинг энг ёш иштирокчиси, Қибрай туманидаги 2-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Зулайҳо Ҳамиджонова чизган миниатюралар барчада қизиқиш уйғотди. У танловнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши ғолиби бўлди.

Фарзандининг бундай муваффақиятини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Бугун Иброҳим Тешабоев учун қувончли кун. Иброҳим аканинг севимли қизалоғи Севинч Содиқова Учтепа туманидаги республика ихтисослаштирилган санъат мактабининг 6-синф ўқувчиси.

— Фарзандининг оддий ғалабаси ҳам ота-она учун чексиз қувонч бағишлайди, — дейди Севинчнинг отаси Иброҳим Тешабоев. — Бугун қизим «Камалак» юлдузлари» танлови билан бирга, яна бир — «Қадрдон шаҳрим экологияси» номли болалар расмлар танловида ғолиб бўлди. Севинч беш ёшидан ранг-тасвир билан шуғулланиб келади. Унинг ижодий ишлари Германияда ташкил этилган кўргазмаларда ҳам намойиш этилган. Мазкур танловлар биз, ота-оналарга ҳар доим қувонч бағишлайди. Чунки ушбу танловда қатнашишнинг ўзи бир бахт.

Тақдирлаш маросимининг иккинчи қисмида «Юрт келажаги» республика танлови ғолибларига диплом, танлов статуэткаси ҳамда ноутбук топширилди. Ўзбекистоннинг эртанги келажаги саналган бу ёшларни залда ўтирган ҳар бир тенгдоши ҳавас билан олқишлаб турди. Тўғриси, уларга бизнинг ҳам ҳавасимиз келди.

— Танловда «Автомобиль ва темир йўлларнинг ер полотнаси фаол қатламида зичлик коэффициентини тезкор усулда аниқловчи қурилма ва усул» номли лойиҳам билан қатнашиб, рационализаторлик таклифлари йўналиши бўйича ғолиб бўлдим, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти магистранти Отабек Исроилов. — Ушбу лойиҳамни Жиззах политехника институти қошидаги қурилиш материалларини синаш аккредитацияланган лабораторияси билан ҳамкорликда синовдан ўтказдик. Бу жараёнда устозим, техника фанлари номзоди Шуҳрат Аҳмедов ҳамда лаборатория мутахассиси Холмели Қорақуловнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги Номданак қишлоғида туғилиб ўсган Нодира Мансурова болаликдан халқ оғзаки ижоди намуналарини тинглаб воя етди. Дастлаб у Ангрен шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида рубоб чолғучилиги бўйича таҳсил олди. Айни кунда Тошкент маданият коллежининг анъанавий ижрочилик йўналишида таълим олаётган Нодирахон «Юрт келажаги» республика танловида фольклор йўналиши ғолиби деб топилди.

— Отам стоматолог, онам ўқитувчи бўлса-да, бизнинг оила — санъатсеварлар оиласи, — дейди танлов ғолиби Нодирахон. — Қўшиқ — менинг ҳаётим. Онам айтиб берган анъанавий фольклор қўшиқларини эшитиб катта бўлганман. Онажоним санъаткор ёки санъат муаллими бўлмаса-да, фольклор қўшиқларини доирада маромига етказиб айтади. Бугун онамдан эшитганларим, устозларим кўрсатган йўл-йўриқлар натижасида ушбу танлов ғолиби бўлдим. Бундан хурсандман. Келгусида фольклор қўшиқларини янада кўпроқ куйлаш орқали жаҳон саҳнасида ўзбек санъати наққадар бой эканини бутун дунёга намоён этмоқчиман. Бу йўлда мазкур танловлар бизга қанот бўлади.

Ўз асарларини намойиш этиб, ижро маҳоратлари билан олқишларга сазовор бўлган бу каби ёшлар келажакда ўз ижодлари билан бундан-да юксак чўққиларга кўтарилиши шубҳасиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

**Рустам ЮСУПОВ,**
**«Turkiston» мухбири.**
Носир Ҳайдаров
олган суратлар.

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

# Ҳавас инсонни камолга етказади

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсати ижросига бағишланган тарғибот видеороликларининг намойиш этилаётгани талаба-ёшларда ўзгача фахр-ифтихор уйғотаётир.**

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси телеканаллари орқали намойиш этилаётган «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати» видеороликлари мен каби миллионлаб ёшларни асло бефарқ қолдирмаяпти. Ҳаётда ўз ўрнини топиб, Ватанимизга хизмат қилаётган тенгдошларимизга ҳавас қиламиз ва улардек бўлишга интиламиз.

Ҳаётда тинимсиз олға интилиш, мақсад сари қатъий ҳаракат қилиш муваффақият калити эканини тушундим. Энг муҳими, давлатимиз томонидан биз, ёшларнинг орзу-интилишлари рўёбга чиқиши учун барча шароитлар яратилиб, имкониятлар эшиги очилмоқда. Буни олий ўқув юрти талабаси бўлганимдан сўнг янада теранроқ ҳис этаётирман. Институтимизда талабаларнинг ўзи танлаган соҳа бўйича чуқур билим олиши учун барча шароитлар муҳайё.

Видеороликларда намойиш этилаётганидек, мамлакатимизда маданият ва спорт соҳасида ўқийман, ўз истеъдодимни намоён этаман, Ўзбекистонимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтаришга ҳисса қўшаман, деган ёшлар учун барча эшиклар очиқ. Юзлаб, минглаб ёшларимизнинг халқаро миқёсда эришаётган салмоқли натижалари буни яққол исботлаб турибди. Бу Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги самарасидир. Бундай имкониятлардан янада самарали фойдаланиш мақсадида ўқишга, қилаётган ишимга, атрофга муносабатимни тубдан ўзгартираётирман. Демак, интилсам, ҳаракат қилсам, мен ҳам шундай натижаларга эришмоғим мумкин ва бу қўлимдан келади.

**Севара БАДАЛОВА,**
**Жиззах давлат педагогика институти 2-босқич талабаси.**
**(ЎзА).**

Yangi yil loyihalari

# Кезаётир байрам шукуҳи

**Янги — 2014 йилнинг кириб келишига саноқли кунлар қолди. Бу дақиқаларни, айниқса, болажонлар интиқлик билан кутаяпти. Чунки Янги йил кечасида Қорбобо билан Қорқизнинг совғаси болаларга ўзгача завқ бағишлайди-да. Оппоқ қор қўйнида қорбўрон ўйнаб, чана учиш эса болажонларнинг севимли машғулоти.**

**Арча атрофидаги турли кўнгилочар ўйинлар, театрлаштирилган томошалар, куй-қўшиқ ва эртак қаҳрамонларининг саҳна чиқишлари кичкинтойлар қалбида унутилмас лаҳзаларни қолдириши шубҳасиз. Ҳар йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Камолот»дан Янги йил» ва «Камалак»дан Янги йил» лойиҳаларини ўтказиб келмоқда. Бу йил ҳам мазкур лойиҳалар доирасида Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари туркум лойиҳаларини ишлаб чиқди.**



## БОЛАЛАР ШОДЛИГИ

Жажжи ўғил-қизларнинг қалбига байрам қувончини улашиш, уларнинг шодлигига шерик бўлиш эзгу ишдир. Ана шу хайрли мақсадда Фарғона вилояти «Камолот»чилари «Камолот»дан Янги йил» лойиҳасини ўтказмоқда. Лойиҳа доирасида «Камолот»чилар Фарғона шаҳридаги Мурувват уйида бўлишди.

Фаол ва иқтидорли ёшлар ҳамда Ҳаракат фаоллари иштирокидаги мазкур тадбир Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тарбияланувчилар билан ўтган самимий суҳбатдан сўнг маънавий-маърифий дастур доирасида Мурувват уйи тарбияланувчиларига Янги йил совғалари тарқатилди. Шунингдек, барча тадбир қатнашчиларига «Янги йилни «Камолот» билан!» шиори акс этган буклетлар топширилди.

## БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ!

Жиззах вилоятида «Камалак»дан Янги йил» лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган «Салом сенга, Янги йил!», «Янги йил арчаси», «Қувноқ Қорбобо» каби ўнлаб маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, куй-қўшиқлар ва қизиқарли викториналар, ўйинлар болажонларга олам-олам қувонч бағишламоқда. Қорбобо ва Қорқиз ҳамда «ўрмон ҳайвонлари»нинг ташрифи байрамга янада кўтаринкилик улашмоқда.

Куни кеча Зарбдор туманидаги кар ва заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари учун «Янги йил арчаси», Фориш туманидаги 30-кам таъминланган оила фарзандлари махсус мактаб интернати тарбияланувчилари учун «Янги йил чироқлари» байрам дастури ташкил этилди. Байрам кечасида мактаб-интернат ўқувчилари тайёрлаган бадиий чиқишлар, шеър ва қўшиқлар иштирокчилар олқишига сазовор бўлди.

Вилоят ёшлари учун ташкил этилаётган бундай қувноқ тадбирлар 2014 йил 5 январга қадар давом этади.

## КУТИЛМАГАН УЧРАШУВЛАР

Сирдарё вилоятида ҳам «Камалак»дан Янги йил» лойиҳаси қизғин давом этмоқда.

Лойиҳа давомида бир гуруҳ иқтидорли ёшлар ва давлат мукофоти совриндорлари имконияти чекланган, ногирон ўқувчи-ёшлар ҳамда боқувчисини йўқотган қариялар хонадонларига бориб, уларга Янги йил совғаларини улашиб, байрамона тадбирлар ташкил этаяпти.

— Бугун ўзимнинг тенгқурларимни кўриб, уларнинг эришган ютуқларидан руҳландим. Мен ҳам аъло баҳоларга ўқиб, келажакда юртимга муносиб фарзанд бўлмоқчиман. Кириб келаётган 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани ҳам Юртбошимизнинг келажак авлодга бўлган ғамхўрлигининг исботидир. Биз, ёшлар ҳам бунга жавобан яхши ишларни бажариб, юртимиз байроғининг ҳар доим баланд ҳилпирашига хизмат қилишимиз керак, — дейди Холида Маматқулова.



## ҚИРҚ ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ

Одатда, Янги йил байрами арафасида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, жумладан, мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда Қорбобо, Қорқиз, Ялмоғиз кампир ва бошқа эртак қаҳрамонлари иштирокида катта байрам ташкил этилади.

Афсуски, имконияти чекланган болалар ушбу байрамни дўстлари ва эртак қаҳрамонлари билан кутиб олишга қодир эмас. Шу мақсадда «Камолот» ЁИҲ Самарқанд шаҳар кенгаши уч йилдан буён шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда туғма туқсони бор, ногирон ва кам таъминланган оилалар хонадонларига Қорбобо ва Қорқиз иштирокида бориб, байрам табрикномаси ва совғасини улашиб келмоқда.

— Жорий йил 554 нафар болонинг уйларига Қорбобо ва Қорқиз билан биргаликда бориб, байрам совғасини улашдик, — дейди Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Қобилов. — Улар учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари етакчилари иштирокида қирқта Қорбобо ва Қорқиз тайёрладик. Болажонлар, айниқса, уларнинг ота-оналари жуда хурсанд бўлишди. Бизнинг ташрифимиз улар учун кутилмаган совға бўлди.

Самарқанд шаҳридаги махсус мактаб-интернатлар учун 28-30 декабрь кунлари вилоят қўғирчоқ театрида томоша уюштирилади.



*Бундай хайрли тадбирлар меҳр-эътиборга муҳтож барча болаларга Янги йил шодликларини бағишлаётир. «Камолот»дан Янги йил» ва «Камалак»дан Янги йил» лойиҳалари доирасидаги байрам тадбирлари эса давом этмоқда.*

**Рустам ЮСУПОВ тайёрлади**




# «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» НИШОНДОРЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида «Камолот» ЁИҲ МК қарори билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган 27 нафар тенгдошимизга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонлари топширилган эди. Газетамизнинг ўтган сонларида шу юксак эътирофга сазовор бўлган бир неча нафар тенгдошларимизнинг чиқишлари билан танишган эдингиз. Қуйида тақдирланган яна бир неча нафар ёшлар самимий кўнгил кечинмаларини сиз билан ўртоқлашади.**

**Дилноза Мамадалиева, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Yoshlar» телерадиоканали қошидаги «Bolajon» телеканалининг чет тилларни ўргатувчи махсус теледастурлар студияси 1-тоифали муҳаррири:**



— Халқимизда тил билган — эл билади, деган нақл бор. Шу боис болалигимданоқ хорижий тилларни астойдил ўрганишга киришдим.

Интилишларим самара берди. Ҳозир инглиз ва рус тилларини пухта биламан. Бугун ўз касбини севган инсон сифатида айта оламанки, инсон ишга меҳрини берса, қунт билан меҳнат қилса, бир кун келиб, албатта, муваффақиятга эришади. Буни юртимиз ёшлари — тенгдошларим, ука-сингилларим турли соҳаларда эришаётган ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин. Спорт соҳасини оласизми, маданият, санъат, илм-фан соҳалари бўладими — ўзбекистонлик йигит-қизлар нималарга қодирлиги, қандай буюк аждодларнинг ворислари эканини бутун дунёга исботламоқда. Муҳими, давлатимиз томонидан бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз қўллаб-қувватланмоқда, иқтидорли ёшлар эса муносиб рағбатлантириляпти.

Истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ бошлаб ёшларнинг тил ўрганишларига яратилган барча шароитлар имкониятларимизни янада оширди. Бугун боғча ва мактабданоқ ёшлар дунё тилларини ўрганмоқдалар. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳам тил ўрганиб, жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олиши одатий ҳолга айланди.

CNN компаниясининг дунё мамлакатлари бўйича таълим ҳолати тўғрисидаги ахборотига кўра, саводхонлик даражаси бўйича Ўзбекистон 99,4 фоиз кўрсаткичга эга бўлиб, 2012 йилда таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллади.

Бундай ютуқлар юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси эмасми? Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, истиқлол биз, ёшларга, аввало, мақсадларни дадил қўйишни ва унга эришишни ўргатди.

Дуч келган ҳар қандай қийинчилик бизни мақсадимиз сари интилишимиздан тўхтата олмайди. Чунки биз янги давр авлоди, истиқлол тенгдошларимиз.

Тилни билиш учун алоҳида иқтидор бўлиши керак, деганлар янглишади. Мен ҳам тилни ҳаммага ўхшаб, алифбони ўрганишдан бошлаганман. Бугун эса Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида инглиз тилидаги дастурларга муаллифлик қиляпман.

Дастлабки фаолиятимни «Yoshlar» телерадиоканалида эфирга узатилган Ўзбекистоннинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётини ёритувчи инглиз тилидаги «Journal» дастури муҳаррири ва бошловчиси сифатида бошлаганман. Кейин шу каналда эфирга узатилувчи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятига бағишланган «Камолот» хабарлари» дастурининг бошловчиси бўлдим. Ўтган йилдан буён «Давр ҳафта ичида» таҳлилий дастури муаллифи ва бошловчиси сифатида фаолият юритиб келмоқдаман.

Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибордан қалбим ҳамиша ғурур ва ифтихорга тўлади. Эҳ, ўз фарзандларини бу қадар ардоқлайдиган, уларга энг яхши шароитларни, энг муносиб имкониятларни яратиб берувчи Ўзбекистондек юрт яна қайда бор-а?! Бу йил менга юксак ишонч билдирилиб, юртимиздаги бир қатор иқтидорли, умидли ёшлар қаторида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони топширилди. Бу даражага етишишимга менга имконият яратган давлатимизга, ота-онам ва устозларимга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман.

**Олимжон Узоқов, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «А-320» ҳаво кемаси иккинчи учувчиси:**



— Болаликдан мени мураккаб касблар ўзига жалб қиларди. Ҳозиргидек ёдимда, ҳар гал осмонда самолёт учиб кетаётганини кўриб: «Катта бўлсам, албатта, энг зўр самолётларни бошқараман, моҳир учувчи бўламан», деб чин дилдан ният қилардим.

Учувчилик касбига доир қанчадан-қанча адабиётларни, қизиқарли китобларни ўқиб чиқмадим, дейсиз. Мана, мустақиллик йилларига келиб орзуим рўёбга чиқди — энди мен маҳобатли ва мураккаб авиалайнерларда мустақил парвоз қиляпман.

Истиқлол даврида юртимизда авиация соҳаси ислоҳ қилинди. Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилар қаторида «Боинг» ва «Airbus» русумидаги замонавий самолётлардан фойдаланишни бошлади. Табиийки, бундай ўзгаришлар баробарида мамлакатимизда малакали ёш кадрларга талаб ортиб борди. Шу дамда мен Ватанимга кераклигимни, юртимиз равнақи ва истиқболи йўлида муносиб ҳисса қўшишим кераклигини англадим. Учувчиликка ўқидим. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясидаги иш фаолиятим давомида «Ан-24», «Ил-114», «RJ-85» ва «А-320» ҳаво кемаларини бошқаришни тўлиқ ўзлаштирдим.

Компаниямизда ёш ходимларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилади. Профессионал учувчи ўз устида мунтазам ишлаши, соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиб туриши шарт. Чунки ҳар бир парвознинг муваффақиятли амалга оширилиши, аввало, штурвал олдида ўтирган пилотнинг касб маҳорати ва уқувига боғлиқ. Шу боис компания томонидан учувчилар учун доимий равишда малака ошириш курслари ташкил қилинади. Бундай ўқувларнинг нафақат юртимизда, балки авиация соҳасида дунёда етакчи бўлган мамлакатларда, йирик авиакомпаниялар базасида ўтказилиши бизга касб янгиликларини мукаммал ўзлаштириш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ўз фаолиятимизга татбиқ этиш имконини бермоқда.

2010 йилда мен Франциянинг Тулуза шаҳрида малака ошириш курсларида ўқиб, назарий ва амалий жиҳатдан тайёргарлик ўтадим. Бу ерда профессионал тренер-пилотлардан сабоқ олдим, ҳаво кемаларини бошқариш техникасини пухта эгалладим.

Шу йилдан бошлаб Европа, Жануби-Шарқий Осиё ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйлаб замонавий «А-320» авиалайнерида мустақил парвозларни бажаряпман.

Йўловчиларни олис манзилларга етказиш — менинг ишим. Парвоз жараёнида йўловчи ва экипажнинг хавфсизлигини таъминлаш — вазифам. Ўз ишим ва вазифамни сидқидилдан адо этиб, юртим равнақи йўлида хизмат қилиш эса бурчимдир. Мен Ватаним олдидаги ана шу бурчимни ҳамиша ёдда тутаман. Инсон ўз касбини севиб, ардоқласа, ишига садоқат ва масъулият билан ёндашса, шунга яраша қадр-қимматга эга бўлади. Эл орасида ҳурмат топиш, халқ ишончини қозониш осон эмас. Бу йил мамлакатимиз Конституциясининг 21 йиллиги арафасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қарорига биноан «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Асосий вақтини парвозларда ўтказувчи мен каби ёш, иродали учувчи учун ушбу мукофотга сазовор бўлиш энг юксак парвоздир. Бундай ишончни, албатта, оқлашга ҳаракат қиламан.

«Kamolot» ko'zgusi

# Қизиқарли таклифлар билдирилди

**Бухоролик ёшлар вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Муҳиддин Эсанов билан учрашди.**



Учрашувда шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари, «Камолот» ЁИҲ маҳаллий кенгашлари раислари, Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари ва фаоллари, вилоятдаги ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар, тижорат банклари вакиллари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари қатнашди. Бухорода ёшларнинг ҳоким билан учрашуви анъанавий тарзда ташкил этилиб, бу галги тадбир ўзига хос кечди.

Дастлаб иштирокчиларга «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати» номли видеоролик намойиш этилди.

Шундан сўнг турли соҳаларда ўз иқтидорини кўрсатиб, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган ёшлар бир қатор лойиҳаларни тақдим этишди. Жумладан, Бухоро давлат университети талабаси Жўрабек Бобоев, Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиали талабаси Улуғбек Холиқов, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институти талабаси Асилбек Абдулов, Бухоро тиббиёт институти талабаси Нигора Ғиёсова туризмни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникасини такомиллаштириш, фермерларга экинларни томчилаб суғориш технологиясини ўргатишда анимация воситаларидан фойдаланиш, қуёш энергиясидан электр энергиясини олишга доир илмий ва амалий таклифларини бердилар, муаммолар хусусида ҳам тўхталдилар. Билдирилган таклиф ва масалалар юзасидан мутасадди-раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Учрашувда ёшлар ўттиздан ортиқ савол билан мурожаат этди. Уларнинг мурожаатларида ёшларни иш билан таъминлаш, бўш вақтларини фойдали ўтказиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, кўзи ожиз болаларга инглиз тилини ўргатиш, имконияти чекланган болаларни он-лайн усулда масофадан ўқитиш, Бухоро тиббиёт институти клиникаси учун алоҳида бино қуриш, вилоятда «Ёшлар» телестудиясини ташкил этиш каби масалалар ўз ифодасини топди.

Тадбир сўнгида санъат, спорт, таълим, маданият, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган йигирма нафардан ортиқ йигит-қизга вилоят ҳокимлигининг диплом ва совғалари топширилди. Бухоро давлат университети талабаси Ўлмас Давронов «Энг зукко талаба», муайтай бўйича Осиё чемпиони, Ғиждувон педагогика коллежи ўқувчиси Бекзод Туйғунов «Йилнинг энг фаол спортчиси», Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институти талабаси Азамат Омонов «Энг фаол ёш изланувчи», вилоят ҳокимининг замонавий ахборот технологиялар масалалари бўйича ўринбосари Ҳикматулла Нарзуллаев «Йилнинг энг яхши дастур муаллифи» номинацияси ғолиби бўлди.

**Лайло ҲАЙИТОВА,**
**«Turkiston» мухбири**

Iqtidorga keng yo'l



# Рангларда дўстлик жилоси

**Сарили қизлар рақси бир вақтнинг ўзида ҳам ҳинд тарихини жонлантирди, ҳам бугунини жилвалантирди. Ундаги гоҳ сокин, гоҳ жўшқин ҳаракатлар халқнинг табиати, кайфияти ҳақида сўзлади. У ўзидан кўзга кўринмас, завқлантирувчи гўзаллик ифорини таратади...**

Малика Бекназарова яратган ушбу «Ҳиндча рақс» картинаси бизда шундай таассуротларни уйғотди. Дарвоқе, бу каби ижодий ишлар билан Ҳиндистон маданият марказида ўтказилган «Ҳиндистон — Ўзбекистон ёш рассомлари нигоҳида» анъанавий кўрик-танловида танишдик.

Мазкур танловни «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти ҳамда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этди. Унда эллик нафар ёш рассом ўз асарлари билан қатнашди.

— Бу шунчаки танлов эмас, дўстлик байрами ҳам, — дейди Ҳиндистон маданият маркази директори Радиш Меҳта. — Чунки ўзбек ва ҳинд халқлари азалдан дўст. Ҳар иккисининг цивилизация бешиклари туташ. Бугунги танловда дўстлик муносабатлари акс этган ижодий ишлар намойиш этилмоқда.

Танлов доирасида Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқали Қозоқов ёш ижодкорларга маҳорат дарси ўтди. Мастер класснинг ҳар бир дақиқаси олтинга тенг бўлди. Негаки, унда иштирокчилар мусаввирликнинг сир-асрорларини ўргандилар. Танловдаги ижодий иш шарҳланди. Мавжуд камчиликлар бўйича маслаҳатлар берилди.

Кейин танловга ҳинд қўшиқ ва рақслари файз улашди. Миллий кийимлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

— Тан олишим керак, танловда қатнашган дўстларим жуда истеъдодли. Улар чизган суратларни кўриб, қойил қолдим. Кўп нарсаларни ўргандим, — дейди Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси, танлов ғолиби Шаҳбоз Мустафоев.

Тожмаҳал...

Ёш келинчакдай савлат тўкиб турган иморат гўзалликка хумор кўзларни чақнатади. У икки давлатнинг дўстлик рамзи сифатида тасвирланган.

Расмдаги ушбу жило тасаввур ва таассуротларни анча бойитди, бугунги танловга шундай хулоса ясади: дўстона танлов мазмунли ўтди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**
**«Turkiston» мухбири**

Dolzarb mavzu

**Гулистон шаҳридаги интернет ва компьютер клубларининг фаолияти ўрганилди. Мазкур тадбир вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Гулистон шаҳар давлат солиқ инспекцияси, алоқа ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, ички ишлар бошқармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

# Интернет-клубнинг бўлгани яхши, аммо...



Ўрганишлар аҳолига интернет ҳамда компьютер хизматларини кўрсатувчи хўжалик субъектлари фаолиятида айрим камчиликлар борлигини кўрсатди. Хусусан, «Фарҳод» маҳалласи, Рўдакий кўчаси 29-уйда жойлашган «Умид» компьютер клубида фойдаланувчиларга ваҳшийликни тарғиб қилувчи фильмлар ва ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи турли компьютер ўйинлари ҳавола этилиши, шунингдек, хонанинг ёритилиш даражаси пастлиги, компьютерлар зич жойлаштирилгани аниқланди.

Шу билан бирга, бинода ёнғин ўчирувчи воситаларнинг йўқлиги, кўбола печдан фойдаланилаётгани, бинога ёнғиндан хабар берувчи автоматик (сигнализация) қурилма ўрнатилмаган.

Маълум бўлишича, ўрганилган объект ҳозирда интернет-клубга айлантирилган. Бироқ у интернетга уланиш учун мутасадди ташкилотдан рўйхатдан ўтмаган. Компьютер ўйинлари хизматларини кўрсатувчи айрим шахобчаларнинг эгалари ҳатто тегишли ҳужжатларни кўрсатишдан бош тортишди. Солиқни ўз вақтида тўлаш-ку, уларнинг хаёлига ҳам келмаса керак.

Бундай «тадбиркорлар» ёшлар онгини турли зарарли ғоялар билан заҳарлаётганини билармикан? Ахир, ёш авлод маънавиятсизлиги ортидан эртага мамлакат кўрадиган зарарни ҳеч қандай маблағ билан қоплаб бўлмайди. Шуни яхши англасак, бас.

**Элёр ЖЎРАЕВ**

Huquqiy madaniyat

# Шартномавий муносабатлар янада такомиллашмоқда

**Барча соҳа вакиллари қаторида тадбиркорлар фаолиятига ҳам давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Юртимизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида корхоналар, йирик ишлаб чиқариш линиялари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, барча соҳаларда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш ва уларга ҳуқуқий кўмак бериш борасида янги-янги вазифаларни қўймоқда.**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонун ижодкорлигининг сифатини янада ошириш масаласи қўйилган эди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини амалга ошириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Эндиликда шартномавий муносабатларни янада такомиллаштиришга, юрист-консультлар ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлар фаолиятини тартибга солишда, шартнома муносабатларини такомиллаштиришда мазкур қонун катта аҳамиятга эга. Унинг қабул қилиниши тегишли қонунларнинг аниқ ва соддалаштирилган ҳолда амалиётга татбиқ этилиши учун имкон яратди. Шартномавий муносабатларни амалга оширишни такомиллаштиришга эътибор қаратишдан мақсад шартнома маданиятини ривожланган давлатлар даражасига кўтаришдан иборатдир.

Амалда шартномалар икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувлари ҳисобланади. Бу ҳуқуқий ҳужжат атамаси уч хил маънода қўлланилади. Бунда, биринчидан, шартнома юридик факт ҳисобланса, иккинчидан, бирон-бир юридик фактга асосланган, моддий ёки номоддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқий муносабатлар ифодаси тушунилади. Учинчидан, шартномалар фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида уларнинг келишувларини акс эттирувчи ҳужжат маъносида ишлатилади. Мазкур қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Ушбу ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилайди. Мазкур қонун бўйича тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари белгилаб берилди.

Ушбу қонунда белгилаб қўйилганидек, тадбиркорлар фаолиятини тартибга солишга оид жараёнлар содда ва аниқ ҳуқуқий нормалар асосида жорий этилади. Жумладан, Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари асосида тадбиркорлар фаолиятига тегишли шартномалар, жумладан, олди-сотди шартномаси, айирбошлаш шартномаси, маҳсулот етказиб бериш шартномаси, контрактация шартномалари, энергия таъминоти шартномаси, корхонани сотиш шартномаси, айирбошлаш шартномаси, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси, кўчмас мулкни сотиш шартномалари билан тартибга солинади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низом»и хорижий товар етказиб берувчилар билан бир қаторда, мамлакатимиз корхоналарини, шу жумладан, кичик бизнес субъектларини тендер савдолари жараёнига жалб этиш мақсадларини кўзлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги қарори билан «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати» тасдиқланди. Мазкур рўйхатга асосан, фаолияти лицензияланадиган хўжалик юритувчи субъектлар билан шартнома тузишда уларнинг фаолияти лицензияланганлигига эътибор берилади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом»и талабларига амал қилиниши лозим.

Шартномалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом»и талаблари асосида татбиқ этилади.

Мазкур нормалар «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда янада батафсил баён этилган. Қонунда шартномаларни тузиш тартиблари аниқ ифодаланган. Масалан, контрактация шартномаси бўйича хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи шахс қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган муддатларда бериш мажбуриятини олиши, тайёрловчи эса, муайян нарх бўйича келишилган муддатларда ҳақ тўлаб, ушбу маҳсулотларни сотиб олиш мажбуриятини олиш тартиби берилган. Бундан ташқари, моддий-техник ресурслар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш тартиблари ҳам келтирилган.

Хўжалик шартномаларини ўрганиш жараёнида юрист-консультларнинг ваколати ҳам баён этилган. Жумладан, юрист-консультлар шартномалар тайёрланиши ва тузилиши, уларнинг қонунчиликка мослиги, мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосалар тайёрлайди ва имзолашни амалга оширади. Шунингдек, юрист-консультлар шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади. Шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича олиб бориладиган даъво ишлари, ички ишлар органларининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайдилар, белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашадилар.

Амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган шартнома ёки бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юрист-консультлар эътиборидан четда қолмаслиги шу соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

**Абдунаби УСМОНОВ,**
**ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси юридик бюроси бошлиғи, подполковник**

Yurt kengliklarida

# Яйлов гурунглари



**— Қўйларнинг ёнида туринг, Умбар ака, — деди фотограф аппаратини созлаётиб. — Жонли чиқади-да расм.**
**— Йўқ, болам, мен бу ерда тушмайман, — деди у. — Агар чиндан расмга олмоқчи бўлсанг, яйловимга юр. Ўшанда қўйларимнинг ёнида қанча «чиқ-чиқ» (Умбар ака фотоаппаратга ишора қилди) қилсанг ҳам розиман.**

Фотограф яйловга боришга эриндими ёки яйлов йўлини узоқ кўрдими, ишқилиб, Умбар акани қандай қилиб бўлмасин, кўндиришга тушди. Аммо бир сўзли чўпон гапидан қайтмади.

Шундай қилиб, биз сурат баҳонасида Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Мардон Иброҳимов номидаги қоракўлчилик фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Элмуродов бошчилигида Қумқўтон яйловига йўл олдик. Йўл-йўлакай Бахтиёр аканинг гурунгини олдик. У киши Умбар акага чўпонлик отасидан мерос эканлигини, ўғиллари Аслиддин ва Жаҳонгир ҳам ота таёғини олишини айтди. Ҳаммамиз Умбар акага ҳавас билан қарадик. Чунки кўпчилик бу касбнинг юкини елкасида тутолмайди, тағин бугунги кунда чўпон бўлиш истаги мингтадан биттада туғилади. Унинг заҳматли меҳнати, яйловнинг қайсарлиги доим орзуга изн берavermайди.

Алламаҳалда манзилга етдик. Фотограф чўпонни суратга тушира бошлади.

— Умбаржон кенг ялангликка меҳр қўйган. Шаҳарга борса, биров боғлаб қўйса ҳам бир кун турмайди, — дейди тажрибали чўпон, «Шуҳрат» медали соҳиби Ўрол Эшкувватов. — Мана ўттиз йилдан буён бирга ишлаймиз. Мен қўшни Тонкас яйловида қўй боқаман. Ўғлим Абдунаби ҳам касбимни давом эттирмоқчи. Ҳозир мактабда ўқийди...

Кенгликлардаги самимий суҳбатлар, дийдорлашувлар бизда катта таассурот уйғотди. Меҳримиз шу ерларга боғланди. Фермер хўжалигидаги ишларни кўриб севиндик.

Ҳозир ушбу фермер хўжалигида 18 минг бош қўй-қўзи бўлиб, шундан 10 минг 100 боши совлиқ экан. Жорий йилда хўжалик 10 минг 500 килограмм жун, 169 тонна гўшт, 2403 дона қоракўл тери етиштирибди. 74 нафар ишчининг заҳматкаш меҳнати эвазига шу натижага эришилибди. Яқинда туманда ўтказилган республика наслчилик аукционида Бозор Болтабоев боқаётган қўчқорлар биринчи ўринни эгаллабди.

Ҳудудда чорвадорлар учун имкониятлар бисёр. Йигирма ўринли шифохона, иккита хизмат кўрсатиш муассасаси яйловдаги меҳнаткашлар хизматида.

Ҳозир қиш, бироқ бепоён яйловлардаги ҳаёт ёздагидек қизғин. Негаки, у ерларда меҳри иссиқ одамлар яшаб, меҳнат қилаяпти.

**Шавкат КАРОМОВ**





*Harakatning viloyat kengashlarida*

# БИРИ ОҒА, БИРИ ИНИ, ЛЕКИН ЖУДА АҲИЛ БАРИ

**Хоразм сафарига отланаётганда хушхабар эшитдик: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят раиси этиб янги номзод тайинланибди — Мансур Машарипов. Э, Мансур ака бўлса кўнглимиз тўқ, энди бу ёғига хоразмлик «Камолот»чиларнинг иши беш деяверинг. Чунки бу қадар серғайрат, жонкуяр ва фидойи йигитлар, очиғи, камдан-кам топилади. У Ҳаракатнинг қуйи бўғинидан етишиб чиққан етакчилардан. Урганч давлат университетининг агроменежмент факультетида таҳсил олди. Талабалик йилларида факультетдаги «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида фаолият кўрсатди. Кейин икки йил Ҳаракатнинг Урганч шаҳар кенгашида раис бўлиб ишлади. Эҳ-ҳе, Мансур ака билан неча бор Тошкентда учрашганмиз, унинг ёшлар масалаларига доир таклиф ва ғоялари, амалга оширган лойиҳалари ҳақида эшитиб, ҳар сафар «қойил, ҳақиқий етакчи, аслида, шундай бўлади-да!» дейишдан ўзга иложимиз қолмасди. Ниҳоят, барини ўз кўзимиз билан кўриш насиб этди.**

**Урганч шаҳридамиз. «Камолот» ЁИҲ Хоразм вилояти кенгашининг идораси вилоят ҳокимлиги биносида жойлашган. Бу ерда ҳамма ўз иши билан банд, сокинликдан асар ҳам йўқ.**



**Мансур Машарипов, «Камолот» ЁИҲ Хоразм вилояти кенгаши раиси**

— Бизда доимо шундай, — дейди Мансур Машарипов. — Жамоамдан жуда мамнунман. Мана, кўринг, бари ёш йигит-қизлар, бироқ ҳар бири «Камолот» учун жон куйдиради. Гап фақат қатъий интизом ёки хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашишда эмас. Биласизми, бу ёшлар ўзларига ўхшаган юзлаб, эҳтимол, минглаб тенгдошлари, ҳамшаҳар, ҳамқишлоқларининг турмуш-турмуши, муаммою юмушлари, умуман олганда, бугунги ва эртанги куни учун масъул эканликларини ҳис қилишади. Нега, денг. Сабаби, «Камолот»имизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ёш бу ташкилотга бировнинг қистови ёки ундови билан келиб қолгани йўқ. Улар ўзлари ва ўзларига ўхшаган бошқа ёшларнинг ҳаётига бефарқ эмас. Шунинг учун ёшлар ҳаётига дахлдор масалалар ечимида иштирок этишни, керак бўлса, бу масалаларни ўзлари ҳал қилишни хоҳлашади. Шунга қодир эканликларини билишади ҳам!

— Яна бир гапни айтаман, — давом этади суҳбатдошимиз, — жамоамиздаги аксарият ходимлар қишлоқ жойлардан чиққан. Улар қишлоқ муҳитини, у ердаги ёшларнинг характери, ўй-фикрларини жуда яхши тушунади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, шундай муҳитда катта бўлиб, ўз кучи, билими ва тиришқоқлиги эвазига маълум даражага эришган, жамиятда ўз ўрнини топган, бугун «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгашида ишлаётган йигит-қизларимиз ўзига қатъий ишонч билан тенгдошларимнинг қандай муаммо ёки ташвиши бўлса, мана мен ёрдам беришга тайёрман, уларга мен елкадош, маслакдош бўламан, деб турса-ю, наҳот, уларга қолган минг-минглаб ёшлар эргашмайди, ўрнак олишга ҳаракат қилмайди?! Қилганда қандоқ! Мана бизнинг кучимиз нимада! «Камолот» сафида турган мана шундай чинакам етакчи ёшлар мамлакатнинг келажагини бунёд этади, эртага улардан зўр раҳбар кадрлар етишиб чиқишига асло шубҳам йўқ.

Мансур Машариповнинг кўзлари ёниб куюнчаклик ила айтган фикрлари шунчаки гап эмаслиги кенгашнинг бошқа ходимлари билан суҳбат жараёнида аёнлашди. Уларнинг ёшларга оид долзарб масалалар юзасидан билдирган таклиф ва мулоҳазаларига қолган «Камолот»чилар ҳам қулоқ тутишса, иш тажрибасини ўрганишса, фойдадан холи бўлмасди.



**Илғорбек Бобожонов, иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар билан ишлаш бўлими мудири:**

— Мамлакатимиз ёшларининг манфаатларини ифода этувчи йирик нодавлат ташкилот сифатида «Камолот» ЁИҲнинг биринчи галдаги вазифаси ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборат. Мен шулардан биттаси — ёшлар бандлиги масаласига тўхталмоқчиман. Мазкур масала бутун республика бўйича долзарб бўлиб қолмоқда. Тўғрисини айтаман, вилоятимизда иш топишда қийналаётган ёшлар бор. Бироқ улар бу муаммога иш йўқлиги учун эмас, балки асосан мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида элементар ахборотнинг етишмаслиги, баъзан эса, иш топиш учун қаерга мурожаат қилишни билмасликлари туфайли дуч келишмоқда. Алалоқибат, коллежни тамомлаётган айрим ёшларда дарҳол хорижга бориб ишлаш орзуси пайдо бўляпти. Бундай ҳолатлар, айниқса, қишлоқларда тез-тез учрайди. Жойларга чиқиб, ёшлар билан шу хусусда кўп суҳбатлашамиз. Баъзилари савол беришади: «Хўш, четга чиқмасдан туриб, юртимизнинг ўзида ишлашимиз учун давлат бизга қандай имконият яратиб қўйибди?» Савол ўринли бўлиши мумкин, бироқ ёшларнинг ушбу позициясини тўғри, деб айтолмайман. Улар жуда калта ўйлашмоқда. Масалан, битта бола дунёга келиб вояга етгунига қадар давлат унга миллиардлаб сўм маблағ сарфлайди. Соғлом зурриёт туғилиши учун республикамизда ҳомиладор аёллар тиббий кўрикдан, скрининг текширувларидан ўтказилади, кейин ҳар бир бола ўн икки йил бепул таълим олади, бепул тиббий хизматдан фойдаланади, кам таъминланган оилалар фарзандларига давлат қўшимча равишда ижтимоий ёрдам ҳам кўрсатади. Энди тасаввур қилинг, бола 18 ёшга етиб, айни кучга тўлган пайтида хорижга ишлашга кетяпти. Бир, икки... беш-ўн йилга. Ахир, ўзга юртлардан йигитларимиз кўпинча соғлиғини йўқотиб ва ҳатто ногирон бўлиб қайтаётганини кўриб турибмиз-ку! Шунинг учун бугун навқирон авлод вакиллари даставвал давлат менга эмас, мен Ватанимга нима бера оляпман, деган саволни ўзларига бериб кўриши ва шундан кейин тегишли хулоса чиқаришини хоҳлардим.

Албатта, бандлик масаласида ҳеч ким ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўяётгани йўқ. Биргина ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида Ҳаракат томонидан учта йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳар йили «Менинг бизнес ғоям» танлови орқали қанчалаб коллеж битирувчилари, «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати» кўрик-танловлари орқали эса, қолган барча ёшлар тижорат банкларидан имтиёзли шартлар асосида микрокредит олиб, шахсий бизнесини бошлаш имкониятига эга бўляпти. Ўтган йили ушбу танловларда вилоятимиздан жами олти нафар киши ғолибликни қўлга киритди. Хусусан, Гурлан туманидан коллеж битирувчиси Жасурбек Тўлибоев «Менинг бизнес ғоям» танловида оддий каноп ипдан арқон ишлаб чиқариш бизнес лойиҳаси билан қатнашиб, 10 миллион сўм микрокредит олишга муваффақ бўлди. Худди шунингдек, урганчлик Бобур Ражапов олган микрокредити эвазига шаҳарда замонавий новвойхона фаолиятини йўлга қўйган бўлса, яна бир ёш тадбиркор Шоҳрух Хўжаниёзов деҳқон хўжалигини ташкил қилди. Учаласи ҳам бир йилга бормай ажратилган кредит миқдори ҳамда фоиз ставкаларини тўлиқ тўлаб бўлишди. Аслида-ку, вилоятда ёш тадбиркорлар сонини бундан-да ошириш мумкин. Фақат айрим муаммоларни бартараф эта олсак, албатта. Масалан, Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган «Ёш тадбиркор» консультатив марказида ҳозир атиги битта координатор ва иккита тренер ишлайди. Шу уч киши «Камолот» ЁИҲнинг тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳалари, уларда қатнашиш шартлари, қолаверса, бизнес режа тузиш, банкдан кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш каби бирламчи маълумотларни бутун вилоят ёшларига етказиб беришлари керак. Табиийки, бу вазифани тўлақонли уддалаб бўлмайди. Шу боис айрим туман ва қишлоқларда ёшлар лойиҳаларимиздан бехабар қолишяпти. Агар «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори бир туман учун алоҳида бўлганда эди, муаммо бартараф этиларди. Шунга қўшимча равишда Ҳаракатнинг маҳаллий кенгашлари қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказларида (айни пайтда бундай марказлар вилоятимиздаги Шовот, Ҳазорасп, Урганч туманлари ҳамда Урганч шаҳрида фаолият кўрсатмоқда) «Ёш тадбиркор» тўгарагини ташкил этиш мумкин. Яна бир таклифим, республика миқёсида ёки ҳудудлар кесимида «Бунёдкор» ёшлар танловини ўтказишдан иборат. Ушбу танловда 30 ёшгача бўлган йигитлар 5-6 кишилик қурувчилар бригадаси сифатида қатнашади. Танлов шартлари орқали иштирокчиларнинг қурилиш соҳасида нималарга қодирлиги, билим ва маҳорати синовдан ўтказилади. Бироқ лойиҳанинг энг муҳим жиҳати ғолибларни рағбатлантириш билан боғлиқ. Айтайлик, 1-ўринни эгаллаган жамоага ҳамкор ташкилотлар томонидан хусусий корхона очишга амалий ёрдам кўрсатилса, ёмон бўлмасди. Натижада бу йигитлар тарқаб кетмайди, балки ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам ўзлари, ҳам бошқа ёшларни доимий иш билан таъминлашлари мумкин. Ҳозир барча таклифларимизни жамлаб, Ҳаракатнинг Марказий Кенгашига тақдим этдик. Ўйлайманки, тез фурсатда ижобий жавоб оламиз.



**Райҳон Давлетова, Хоразм вилояти «Камалак» болалар ташкилоти раиси:**

— «Камалак» — Ҳаракатнинг таянч нуқтаси. Бўлғуси «Камолот»чи етакчилар болалар ташкилотида тарбияланади. Вилоятимизда 530 та мактаб бор. 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган жами 117 минг нафар мактаб ўқувчиси «Камалак» болалар ташкилотига аъзо. Бу йил биз «Камалак»да фаол сардормиз» шиори остида вилоятдаги барча «Камалак»чиларни бирлаштирувчи учта йирик лойиҳани амалга оширишга қарор қилдик. Булар: «Энг намунали ижтимоий лойиҳа», «Энг билимдон сардор» ва «Энг фаол сардорлар кенгаши» кўрик-танловларидир.

Март ойида «Энг намунали ижтимоий лойиҳа» танловини бошладик. Унда мактаб ўқувчилари, сардорлар турли мавзу, турли соҳаларга оид ижтимоий лойиҳалари билан иштирок этишди. Масалан, Урганч шаҳридаги 16-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Сирожбек Жуманиёзов танловга Хоразмдаги қадимий ёдгорликларни тарғиб қилувчи, ўзи яратган веб-сайтни тақдим этди. Биз ушбу лойиҳани «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши томонидан эълон қилинган «Mit.uz» миллий интернет танловига ҳам юбордик. Яна шу ўқувчи Республика «Камалак» болалар ташкилотининг Низоми ҳамда Дастурига қандай қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мумкинлиги ҳақида видеослайд тайёрлаб, тақдимотини ўтказди.

— Аслида, ижтимоий лойиҳалар танловини ўтказиш ғояси анча илгари пайдо бўлган, — давом этади Райҳон Давлетова. — 2010 йилда вилоятимизда «Бахтли болалик» лойиҳаси ва унинг доирасида «Ёш ҳунармандлар» кўргазмаси ташкил қилинган эди. Кўргазмада болалар ясаган ажойиб миллий ўйинчоқларни кўриб, менда мактабларимизда қўғирчоқсозлик тўгаракларини очиш фикри туғилди. Ахир, бу юртимизда қадимий ҳунар турларидан бири ҳисобланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Тез орада Янгибозор тумани, Хива ва Урганч шаҳарларидаги қатор мактабларда қўғирчоқсозлик тўгараклари иш бошлади. Урганчдаги 9-мактабда эса, сардорлар, ҳатто «Камалак ёғдуси» қўғирчоқ театрини ташкил қилишди. Мана сизга биттагина ижтимоий ташаббуснинг самараси. Бошқа мисол, яқинда Урганч шаҳридаги 13-мактабнинг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси кам таъминланган оилалар фарзандлари учун мактабда кондитерлик иши тўгарагини очиш таклифини билдирди. Биз ташкилий ишларда ёрдам бердик. Мана марҳамат, яна битта ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. Биласизми, сардорларимизда, етакчиларимизда ғоялар жуда кўп. Асосий масала — уларни бирлаштириш. Улар бераётган фикр-ташаббусларнинг ҳеч бири ерда қолиб кетмаслиги керак.

Ҳар йили Хонқа туманида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотлари етакчилари ҳамда «Камалак» сардорларининг форуми бўлиб ўтади. Бир ҳафта давомида иштирокчилар учун ўқув семинарлари, маънавий-маърифий тадбирлар, маданий дастурлар, спорт мусобақаларини ташкил қиламиз. Ўтган йили форумда 110 нафар ёш қатнашган эди. Жорий йилда форум тўртинчи маротаба ўтказилди. Бу етакчи ва сардорларимизга бир-бирлари билан учрашиб, ўзаро фикр ва тажриба алмашишлари учун жуда яхши имкониятдир.

Яна бир гап. «Камолот» ЁИҲ ҳам, унинг ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ҳам республикамизнинг барча ёшларини бирлаштиришни мақсад қилган. Шу боис биз қандай лойиҳага қўл урмайлик, унинг барча туман ва қишлоқлардаги ўқувчи-ёшларга етиб боришига аҳамият қаратамиз. Илгари тадбирларни, асосан, вилоят марказларида ўтказиб, уларга туманлардан бир-иккита вакил жалб қилинган бўлса, ҳозир лойиҳалар наинки туман, балки мактабларнинг ўзида амалга оширилмоқда. Энди, аксинча, биз ўша мактабларга, қишлоқ жойларга, чегара ҳудудларига борамиз, у ерларда яшаётган, ўқиётган ёшлар билан танишамиз, мулоқот қиламиз. Ҳозирча натижа ёмон бўлмаяпти!

**Камол Жуманиёзов, Хоразм вилояти «Етакчи» ёшлар маркази координатори:**



— Мен қишлоқдан чиққан йигитман. Боғот туманидаги Маданият қишлоғида туғилиб-ўсдим. Хонқа туманидаги академик лицейда ўқидим. Кейин Урганч давлат университетининг чет тиллар факультетини тамомладим. Ҳозир мактабда немис тилидан дарс бераман, ҳам «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгашида ишлайман. Қолаверса, Ҳаракатнинг вилоят муассислигида нашр қилинаётган «Камолот» газетасида жамоатчи мухбирман. Ишим ниҳоятда қизиқарли. Биласиз, «Етакчи» ёшлар марказининг асосий фаолияти ёшлар учун ўқув семинарлари, турли интерфаол тренинглар ўтказишга қаратилган. Шу боис туманларга тез-тез чиқиб турамиз, ёшлар билан учрашамиз. Анъанавий семинарларимиздан бири «Менинг қизиқишларим» деб номланади. Бу лойиҳа, асосан, коллеж ўқувчилари учун мўлжалланган. Охирги маротаба уни Хонқа туманидаги коллежда ўтказгандик. Мақсад — интерфаол ўйинлар орқали ўқувчиларнинг қизиқишлари, қандай касбга мойиллиги, ҳаётий мақсадларини аниқлаш. Семинарга коллеж ўқувчилари билан бирга, маҳаллалардаги уюшмаган, асосан, ҳеч қаерда ишламайдиган ёшлар ҳам таклиф қилинди. Савол-жавоб бошланди. Бир-икки йигит ўрнидан туриб қишлоғидаги ишсизлик масаласини кўтарди. Бу ҳақда жуда жиғибийрон бўлиб гапирди улар. Кейин мен сўрадим: «Орангизда ким тадбиркор бўлишни, шунчаки олди-сотди эмас, ҳақиқий бизнес билан шуғулланиб, даромад топишни истайди?» Ҳамма қўлини кўтарди. «Ишонинг, қишлоғингизда биттаям бўш иш ўрни қолмаган тақдирда ҳам сиз ишсиз қолмайсиз, — давом этдим мен. — Ҳали ҳеч ким ўйлаб топмаган, битта зўр бизнес ғоя билан «Камолот»га келинг, у ёғига ўзимиз ёрдам берамиз, қишлоғингизга бизнесмен бўлиб қайтасиз!» Ўтирганлар ҳайрон бўлиб, ўйланиб қолишди. Кўрдингизми, иш йўқ деб хархаша қилишни ҳамма эплайди, аммо шу вазиятдан мустақил равишда, ақл-фаросат билан чиқиб кетиш осон эмас. Бунинг учун ақлни ишлатишга тўғри келади. Тенгдошларимиздаги юқоридагидек боқимандалик кайфиятини таг-туги билан йўқотиш керак. Улар ўз муаммосини, аввало, ўзлари ҳал қилишга ҳаракат қилишсин, тирмашишсин, ташаббус кўрсатишсин! Худди шу усул билан ўзим билан бирга муддатли ҳарбий хизматни ўтаган беш нафар сафдош дўстимни «Камолот»га бошлаб келгандим. Ўз бизнесини йўлга қўяман, деган ёшлар учун бир эмас, нақ учта лойиҳамиз борлигини тушунтирдим. Биттаси қизиқ фикр берди: аҳоли учун шундай такси хизмати ташкил қилинсаки, сиз керакли дори препаратини телефон орқали буюртирасиз, такси уловлари эса уларни дорихоналардан ўзлари қидириб топиб, айтган манзилингизга етказиб беришади. Э, қаранг, ахир, бу зўр ғоя-ку, муҳими, ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Дўстим билан ўтириб «Дори-дармон такси» деб номланувчи бизнес лойиҳа яратдик. У шу лойиҳа билан бу йил «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловида иштирок этди. Мана шундай, баъзан ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, керакли маълумот ёки кичкинагина маслаҳат бериш ҳам кутилмаганда катта натижаларга олиб келади. Ҳа, бирлашган ўзар, деб бежиз айтишмаган донолар. Ҳаракатнинг шиори ҳам ушбу нақлга ҳамоҳанг: «Бирлашиб биз, катта кучмиз!»



**Иброҳим ЎРУНОВ, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўлими мудири:**

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар амалга ошириляпти. Бу кенг кўламли, давомли сиёсий жараёндир. Шу зайлда авлодлар алмашади, фуқаролик жамиятининг янги аъзолари пайдо бўлади. Бироқ ҳеч бир авлод ва ҳеч қайси фуқаро сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаслиги керак. Айниқса, ёшлар. Бу ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишни талаб қилади. Масалан, мактаб ўқувчиси юртимиздаги сайлов қонунчилигидан етарлича хабардор бўлмаса, сайловнинг моҳиятини тушунмайди. Демак, унда сайловларда иштирок этишга хоҳиш ҳам, ирода ҳам бўлмайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари Конституциямизда белгилаб қўйилган. Биз бу сиёсий ҳуқуқимиздан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари воситасидагина фойдалана оламиз. Сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик шу каби оддий билимлардан бошланади. Афсуски, ҳозирча ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини фақат таълим жараёнида берилаётган билимлар орқали етарли даражага етказиб бўлмаяпти. Шу боис «Камолот» ЁИҲ томонидан ёшлар учун ҳуқуқий мавзуларда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, адлия, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, жиноят суди билан биргаликда ҳар йили академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловини ўтказамиз. Бу йил лойиҳага бироз ўзгартиш киритилиб, Президентимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар юзасидан видеоролик тайёрлаш шарти қўшилди.

Икки йилдирки, адлия бошқармаси билан ҳамкорликда маҳаллий «Хоразм» телевидениеси орқали «Ҳуқуқий маслаҳат» кўрсатуви тайёрланиб, эфирга узатиляпти. Бу кўрсатувда тажрибали ҳуқуқшунослар ёшларни қизиқтирган мавзулар бўйича шарҳлар, саволларга жавоб беришади. Мутахассислар иштирокида ҳуқуқий мавзулардаги кўчма давра суҳбатлари вилоятдаги таълим муассасаларида мунтазам равишда ташкил қилинмоқда. Ёшлар мутахассислардан меҳнат қонунчилиги, амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар ҳақида батафсил билиб олишяпти. Бундан ташқари, «Камолот» ЁИҲ томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёшлар фестиваллари дастурига ҳам ижтимоий-ҳуқуқий йўналишдаги бир қатор лойиҳалар, жумладан, «Депутат ва ёшлар», «Ҳоким ва ёшлар» учрашувлари, «Президент асарлари билимдони» кўрик-танлови киритилган. Бизда ёшлар фестивали нафақат вилоят миқёсида, балки туманлар кесимида ҳам бўлиб ўтади. Натижада ҳар бир туманда ёшлар депутатлар, ҳокимлар билан бевосита учрашиб, халқ вакиллари билан очиқ мулоқот қилишади. Айтганча, вилоят ҳокими биз, ёшларга, «Камолот»чиларга алоҳида эътибор билан қарайди. Ҳоким ва ёшлар учрашувлари вилоятимизда ҳар гал кўтаринки руҳда ўтади. Ҳокимга савол беришдан тортинмаймиз, бундай давраларда бизни ҳурмат билан эшитишади, таклиф ёки мурожаатларимиз эса, ҳеч қачон эътиборсиз қолдирилмайди.

Вақт алламаҳал, бизнинг эса «Камолот»чилар олдидан кетгимиз келмайди. Ажаб, бу ёшларнинг фикри нақадар теран-а! Йўл-йўлакай ҳамроҳимиз Мансур Машарипов айтган яна бир фикр ҳамон қулоғимиздан кетмайди:

— Кўпинча атрофдан «Камолот» фақат тадбир ўтказгани-ўтказган, қабилидаги гапларни эшитиб қоламан. Майли-да, тадбирми, бошқами, лекин биз ёшлар билан биргамиз, юриш-туриши, қандай ўй-фикрлар билан яшаётганидан хабардор бўлиб турамиз. Агар қўл қовуштириб ўтираверсак, эртага ўша тадбирларни ўрнимизга бошқа кимсалар, бошқа ташкилотлар ўтказади. Ёшларни ўз ғояларига эргаштиради, ўзлари учун фойдали мақсадларга бўйсундиради... Мана шунақа!

**Наргиза УМАРОВА, «Turkiston» мухбири** // *Александра Спиридонова олган суратлар*

*«Turkiston» таҳририятида журналистика факультетлари талабалари учун «Маҳорат мактаби» ташкил этилган. Унда тенгдошларимиз ўз мақолаларини тажрибали журналистлар назаридан ўтказиб, фойдали маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олишади.*
*Қуйида талаба-тенгдошларимиз мақолаларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.*

# Amaliyotchi

## «Ҳаёт»нинг синоними

**Ҳар кунгидек ўқишга отланаман. Бекатга етгунча хаёлимда ўқитувчимизнинг уйга берган топшириғи — «ҳаёт» сўзининг синонимларини топиш чарх уради. Йўл-йўлакай ўйлайман: хўш, ҳаёт — мавжудлик, ёруғлик, яна нима дейиш мумкин?..**

Хаёлларим билан андармон бўлиб, бекатга етиб келганимни сезмайман. Бекат ишга, ўқишга ёки бирор юмуш билан отланган одамлар билан гавжум. Мен кутган автобус ҳам кўп маҳтал қилмайди. Унинг силкина-силкина секинлашишида тўхтасамми-тўхтамасамми, деган иккиланиш бордек туюлади. Кеч қолиб дакки эшитишни хоҳламаганлар тўхташига умид билан автобусга югуради. Уларнинг жонҳалаклигига сабаб бор. Чунки автобуслар баъзан бекатдан ўтиб тўхтайди. Баъзан эса, бекатда тушувчилар бўлмаса, ўтиб кетади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Автобус кетидан югурганлар ҳафсаласиз ўриндиққа ўтиришди.

Бир маҳал яна ўқитувчимизнинг топшириғи эсимга тушади: уҳ, «ҳаёт» сўзининг яна қандай синонимни бор эди-я? Ҳаётнинг яна бир маъноси — яшаш. Бекатга бироз олдинроқ чиқсам бўларкан. Ўқишгаям кеч қолмасдим, автобус кутаётиб кўпроқ ҳаёт ҳақида ўйлашга вақтим ҳам бўларди... Яна хаёлим бир тарафга улоқиб кетади...

Қизиқ, инсон эҳтиёткор бўлса ҳам баъзан эътиборсиздек. Ҳар куни эрта тонгдан ёши олтмишни қоралаган амаки шу бекатни супуриб-сидиради. Шу ёшда зарилми, дейсиз. Албатта, ҳар кимнинг вазифаси. У бекатни писта пўчоқлари, тамаки қолдиқлари, турли қоғозлардан тозалайди. Аммо ҳар куни шу бекатдан ўз юмуши сари отланадиган йўловчилар унга эътибор бермайди. Йўқса, унинг меҳнатини қадрлаб, чиқиндини бурчакдаги идишга ташларди. Менимча, бундай одамлар эътиборсиз туғилган бўлса керак. Тўхтанг, «туғилиш» сўзи ҳаётга синониммасми?

Навбатдаги автобус келади. Қиш эмасми, қалин уст-бошли йўловчиларнинг ҳар бири икки кишининг ўрнини эгаллайди. Бир амаллаб автобусга илашаман. Ортимдан кимдир: «Сал сурилинглар, метрогача етиб олай», деб туртади. Олд томондаги чиптачи бўйнини хўроздек чўзиб: «Бўла қолинглар, ҳаракат қилинглар, автобуснинг ўртаси бўм-бўш-ку! Олди борган жойга орқасиям боради», деб қичқиради. Автобус салони деярли талабалар билан тўла. Аммо сал бўлса-да ҳаракат қилиш керак-ку! Топдим: ҳаёт — ҳаракат, демакдир. Шу тиқилинчда ҳам синоним топдим, ўзимга балли. Эсиз, ён дафтарчамга ёзиб олишнинг иложи йўқ-да. Ҳаво етишмаяпти. Эврика, ҳаёт — нафас. Ўнтага яқин синоним топдимов? На чиптачининг, на йўловчиларнинг овозини эшитадиган бир талабанинг қулоғида қулоқчин. У тинглаётган мусиқа атрофдагилар қатори менга ҳам эшитилади. Вой-бў, бунча баланд, қулоғи оғримасмикан-а? Хонанданинг хонишини эшитиб, яна бир синоним топдим. «Сенсиз мен ўламан, сенла тирикман». Тириклик — ҳаёт.

Устозларимиз: «Журналист кўп китоб ўқиши керак. Шунда сўзларни такрор ишлатиб ўқувчини зериктирмайди», дейишади. Китобни шунинг учун ҳам офтоб деб аташар? Офтобнинг ҳам заррин нурлари кўп-ку. Ҳазрат Навоий «кулмоқ» сўзининг тўқсон тўққизта синонимини ишлатган экан. Тахминан ўттиз дақиқада «ҳаёт» сўзининг шунча синонимини топдим. Уйда, кутубхонада изоҳли луғатга қараганимда бундай қийналмасмидим, нима дейсиз?

**Мадина МИРЗАҚОБИЛОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## Манзил олис, тарих узоқ

**Қизиқ, одатда, эрталаблари атрофга унчалик эътибор бермайсан, киши. Инсон табиати ўзи шунақами... Ҳар куни ўқишга ошиқарканман, бири тик туриб мудраётган, бири бугунги ишларининг режасини тузаётган, яна бири эса теварак-оламдан узилиб, мусиқа оғушига чўмганча кетаётган кишиларни кузатаман.**

Мен ўқишга етиб боргунча иккита жамоат транспортига чиқаман. Бора-боргунча йўлда уч давр оралиғидаги масофани босиб ўтгандек бўламан.

Оиламиздаги мендан катталарнинг айтишича, биз яшаётган уй ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида содир бўлган зилзиладан кейин қурилган. Ундан олдин бу ерда нима бўлганини ҳеч ким билмайди. Даҳамизнинг ҳар қаричида бунёдкорлик тафти барқ уради. Негаки, бу шинам уйлар, болалар майдончалари, боғчалар оғир дамда одам одамга суянч бўлишининг исботи. Бу жойлар ана шундай ҳамжиҳатликнинг гувоҳи.

Уйимиз жуда ўнғай жойда. Олд тарафида болалар боғчаси, орқа тарафида мактаб қад кўтарган. Лицейда ўқиган кезларим бирор сабаб билан дарсдан қолсам, ойна ортидаги мактабга термулиб, виждоним безовта бўларди. Айниқса, дарсга қўнғироқ чалинса, худди виждоним торларини бир-бир чертгандек туюларди. Уйимиз катта кўчага яқин бўлгани боис, машиналар оқими ҳеч тинмайдиган, сершовқин кўчага чиқишимга бир дақиқа ҳам кетмайди.

Автобус ойнасидан ташқарини кузатаман: бекатлар алмашгани сайин даврлар ҳам алмашаётганга ўхшайди. Уйимиздан уч бекат юқоридаги шифохона халқ орасида негадир қай бир ажнабийнинг номи билан аталади. Бу ерни кичик тиббиёт шаҳарчаси, деса ҳам бўлади. Кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватидаги дорихоналар ўғри мушукдек пусиб, ўтган-кетганга имлагандек бўлади.

Қизиқ, салобат билан ўтирган ҳайдовчи амаки қандай инсон экан-а? Ҳар куни шу — бир хил кўчалардан ўтиш жонига тегмаганмикин? Ёки аксинча, бу йўлларга меҳри тушиб қолганмикин? Балки мен бугун пайқаган даврлар нафасини, шу кўчаларнинг узоқ-яқин тарихи, биз доим қаергадир шошиб илғамаган нарсаларни у яхшироқ билар...

Автобусимиз Чилонзор тумани оралаб ўтиб боради. Айтишларича, у қадимги Тошкентнинг обидаларга бой қисми бўлган. Ҳозир замонавий бинолар, ҳашамдор дўконлар кўплигидан илгари бу ерлар тепаликлардан иборат бўлганини тасаввур қилиш қийин.

Оқтепага етгач, автобусдан тушиб трамвайга чиқаман. Бу манзил ҳам қадимги жойлардан. Милодий бешинчи асрда бу ерда Оқтепа қўрғони бўлган. Ҳозир эса бу ерда савдо дўконлари, турар жойлар, таълим муассасалари жойлашган. Ўша даврга оид фақат шу ер, шу осмон ва айрим дарахтлар қолган. Қани энди, улар тилга кирса-ю, бир достон ёзсанг. Ёки кўзингни юмганингда, бари кўз олдингда кинотасмадай намоён бўлса...

Ниҳоят, ўқиш жойимга етиб келаман. Мени бекатда қолдирган трамвай ўрнидан кўзғалиб, кейинги манзилга ошиқади. Манзил эса...

**Шаҳноза АБДУЛАҲАДОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## Кийим кўрки — ярашганида

**Гўзалликка ташналик, ундан завқ олиб, илҳомланиб яшаш инсонга хос. Бироқ аёллар бу борада анчайин устун бўлишга ҳаракат қилишади. Ва буни кўпинча кийиниш орқали намоён этмоқчи бўлишади.**

Кўп бора гувоҳ бўлганмиз: ёшларнинг, айниқса, қизларнинг кийинишини танқид қилувчилар ҳар доим топилади. Яна шу эски гапми, деб ўйлашга шошилманг. Сабаби, биз кимгадир кийинишни ўргатмоқчи ҳам, либосига баҳо бермоқчи ҳам эмасмиз. Шунчаки, бир воқеани ҳикоя қилиб, хулосани сизга қолдиришни лозим топдик.

Бир куни курсдошларим билан суҳбатлашиб ўтирганимизда қизларнинг кийиниши борасида тортишув бошланди. Албатта, йигитлар танқидий муносабат билдиришди, бироқ улар орасида холисона фикр айтадиганлар ҳам топилди. «Қизларнинг енгил-елпи кийинишида ота-оналар ҳам айбдор», деди бир курсдошимиз ва ўзи гувоҳ бўлган воқеани ҳикоя қилиб берди:

— Бир куни бозорни айланиб юриб, бир қиз отаси билан шим сотиб олаётганини кўрдим. Қиз шимни кийиб, обдон айланиб-ўргилди-да, отасига: «Дадажон, қаранг, ярашдими?» — деди. Отасиям бепарво: «Қизим, сал кенгроқ экан, торроғини кийиб кўрчи», — деб тамаки тутатишда давом этди. Мен отаси кесатяпти, жаҳли чиқиб, асабийлашганидан чекяпти, деб ўйлаб қараб турсам, қиз ёпишиб турадиган шим кийиб чиқди. Шунда отаси: «Ана, бўларкан-ку», — деб жилмайиб пул санай бошлади...

Ҳар бир фарзанд, аввало, тўғри тарбияни оилада олиши барчага маълум. Бунда унга ўрнак бўлаётган инсонлар — ота-онаси, ака-опаларининг тарбияли, маданиятли кишилар бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам кўча-кўйда баъзи маданиятсиз, енгил-елпи кийинадиган тенгдошларимизни кўрсак, уларнинг хонадони ҳақида қисман маълумотга эга бўламиз. Зеро, кийимнинг кўрки сўнгги модада эмас ёки янгилиги билан белгиланмайди, аксинча, унинг тозаозодалиги, эгасининг ёши мос ва ярашимлилиги билан белгиланади.

Кийим инсонга кўрк бағишлаши, унинг соғлиғига, бошқалар олдида ҳурмат-эътиборини йўқотишига сабаб бўлмаслиги керак. Бироқ айрим қизларнинг тор шим, ярми очиқ майкалар кийиб юриши уларнинг келгуси ҳаётига салбий таъсир қилаётгани ҳақида турли гап-сўзларни эшитяпмиз. Бугун баъзи қайноналарнинг «Келиним фарзандли бўлмаяпти», «Ўзи аввал-бошдан касал бўлган экан, энди мен даволатяпман, онаси қаёққа қараган» сингари нолишлари ҳам қулоққа чалинади.

Енгил-елпи, ярми очиқ кийинишнинг саломатликка зарари ҳақида шифокорлар кўп таъкидлашади. Уларнинг айтишича, фаслга қараб кийинмаслик, атрофдагиларга чиройли кўриниш учун аёзли кунларда ҳам енгил-елпи кийиниш туфайли айрим қизлар саломатлигида жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Ҳаётимиз гўзал, турмушимиз кун сайин фаровонлашиб, яхши ўқишимиз, ишлашимиз, ўзимиз қизиққан соҳалар билан шуғулланишимиз учун кенг имкониятлар яратилаяпти. Бироқ биз айрим ҳолларда бундан қаноатланмай, яшаш тарзимизни мураккаблаштириб, ўзимизга ўзимиз йўқ жойдан муаммо чиқаряпмиз. Аслида эса, буларнинг ечими осон. Оилада фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, бошқалар билан муомалага киришганда ўзини яхши тутиш, кийинишда ҳаёни унутмасликни улар шуурига сингдириш турмушимиздаги тотувликка ва фаровон ҳаёт кечиришимизга йўл очади.

**Шаҳруза МАТЁҚУБОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

Uchinchi sektor

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

**Республикамизда мустақилликка эришилгандан сўнг нодавлат-нотижорат ташкилотлар (ННТ) фаолиятининг принциплари конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилди. Аҳолининг турли қатламлари манфаатларини акс эттирувчи, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган ҳамда давлат институтлари билан ўзаро манфаатли алоқаларга киришa оладиган ННТларнинг кенг ривожланиши учун ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди.**

Мустақиллик йилларида республикамизда ННТлар 60 бараварга кўпайиб 6600 дан ошди. Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТлар давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий дастурларнинг фаол иштирокчиси, демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Давлат томонидан фуқаролик жамиятини мунтазам ривожлантириш борасида кўрилаётган ҳуқуқий, ташкилий-институционал, иқтисодий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари барқарор ривожланиб бормоқда. Ушбу сектор фуқароларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришда, уларнинг ижтимоий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда манфаатлар мутаносиблигини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар, яъни қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва амалга оширилаётган ҳаракатларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу йўлда ҳам ўзига хос «ўзбек модели» яратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси бу моделнинг асосини ташкил этади. Республикамиздаги фуқаролик жамиятининг ҳозирги ривожланиш даражаси, хорижий мамлакатлардаги худди шундай вазият билан қиёсий таҳлил этиш миллий моделимизнинг ўзига хослиги, замон билан ҳамнафаслиги ва барқарорлигини кўрсатмоқда. Бунда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган ва уларнинг замон талабларидан келиб чиқиб янгилаб борилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, жамиятда фуқаролик жамияти институтларининг мавқеи мустаҳкамланиб борган сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти ортиб бормоқда.

Истиқлол даврида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолият юритиши учун етарли норматив-ҳуқуқий база яратилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «ННТлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон, қарорлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Умуман, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ошиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг сони йилдан йилга ошмоқда. Бу эса фуқаролик жамияти ва унинг институтлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига туртки бермоқда.

Мамлакатимизнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатларидан яна бири қонун ҳужжатлари билан давлат органлари зиммасига фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш вазифасининг юклатилганидир. Президентимизнинг 2005 йил 23 июндаги «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фуқароларнинг фаровонлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга қаратилган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мажбурияти юклатилди.

Мазкур ҳужжатнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 январдаги қарори билан маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича нодавлат нотижорат ҳамда диний ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари лавозими жорий этилди.

Шу йил 12 декабрда Президентимиз томонидан «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Қарорда ННТ тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштиришга қаратилган бир қатор муҳим нормалар белгиланди. Жумладан, 2014 йил 1 январдан ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори беш баравarга, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 бараварга камайтирилди. Шунингдек, мазкур қарорда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ННТнинг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари)ни, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун давлат божи ундирилмаслиги, ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўрнатилган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида ундирилиши белгиланди.

Қарорда акс этган муҳим янгиликлардан яна бири ННТларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатларнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидек, икки ой ўрнига бир ой муддатда кўриб чиқилишидир. Мазкур ҳужжатда ННТлар фаолияти ва молиявий ҳолатининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасида белгиланган юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисоб варақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи қоида ННТларга жорий этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, қарорда Адлия вазирлигига марказдаги ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда халқаро шартномаларида мустаҳкамланган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш чораларини кўриш топширилди. Бу топшириқ Адлия вазирлиги зиммасига муайян маъноддаги ваколат билан бирга, жуда катта масъулиятни юклайди. Вазирлик энди ўз фаолиятида ННТлар томонидан қонун ҳужжатларига ва устав талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш баробарида давлат органлари томонидан ННТларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича тизимли мониторингни ўрнатиши зарур бўлади.

Президентимизнинг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшишдек конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратади, давлат органлари зиммасига эса уларни қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятни юклайди. Бундан ташқари, мазкур ҳужжат ҳукумат зиммасига ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатга олиш, тугатиш, уларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, улар томонидан солиқ, статистика ва рўйхатга олувчи органларга ҳисоботлар тақдим этилишининг тартибини унификация қилиш ва соддалаштиришни, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатга олиш, тугатиш, уларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, улар томонидан солиқ, статистика ва рўйхатга олувчи органларга ҳисоботлар тақдим этилишининг тартибини унификация қилиш ва соддалаштиришни назарда тутувчи қарор қабул қилиш вазифаси юклатилган. Ҳозирда бу йўналишда Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик, идоралар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ишламоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш ишлари давом эттирилади.

**Худоёр МЕЛИЕВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

Imkoniyat



# Тикувчиларга янги устахона

**Ёзёвон иқтисодиёт коллежи туманнинг Иштихон қишлоғида жойлашган. Жорий ўқув йилида ўзининг ўттиз йиллик тўйини нишонлайдиган мазкур таълим масқани тумандаги энг отахон ўқув юртларидан бири саналади. Ўқув юртида айни кунда 813 нафар қишлоқ ёшлари билим олади. Уларга эллик нафардан ортиқ устозлар олти йўналиш бўйича касб ва ҳунар сирларини ўргатишади.**

Жорий ўқув йилини тикувчилик йўналиши ўқувчилари янги ўқув устахонаси билан кутиб олишди. Давлат бюджети ҳисобидан ушбу йўналиш учун «Anysew» русумли замонавий тикув машиналари келтирилди. Шу билан бирга, шу йўналиш бўйича ўқув машғулотлари жараёнида фойдаланиш учун хомашё сотиб олишга маблағ ажратилгани ўқувчиларнинг касб сирларини мукаммал ўзлаштиришларига асос бўляпти.

— Бу машиналар анча замонавий, қулай экан, — дейди учинчи босқич ўқувчиси Зарнигор Исмоилова. — Бажараётган ишингиз ҳам анча тез ва сифатли бўлади. Бир сўз билан айтганда, аввалги курсларда ишлатган машиналаримиздан ҳар томонлама яхши.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**
**«Turkiston» мухбири.**

**СУРАТДА:** *ишлаб чиқариш таълими устаси Ҳакимахон Асқарова аёллар енгил кийимларининг бичиб-тикилишини тушунтиряпти.*

Rang-barang olam

# Янги йил — Африкада ҳам Янги йил

*Янги йил байрами турли юртларда турлича урф-одат ва анъаналар билан нишонланади*

Кунчиқар мамлакат — **ЯПОНИЯ**да янги йил кириб келаётганида ўн икки эмас, нақ 108 маротаба бонг урилади. Бу қадимдан қолган анъана. Японлар фалсафасига кўра, инсонга хос олтита иллат мавжуд. Булар: бахиллик, баджаҳллик, бефаросатлик, калтабинлик, қатъиятсизлик ва ҳасад. Бироқ ушбу иллатларнинг ҳар қайсиси ўн саккиз хилда турланади. 108 маротаба бонг урилишининг маъноси ана шунда. Яна бир эътиборли жиҳат: японлар учун янги йил қуёш уфқдан кўтарилганда кириб келган ҳисобланади. Шу боис улар эрта тонгдан кўчага чиқиб, кун ёришаётганда бир-бирларини янги йил билан табриклашади ҳамда совға-саломлар беришади. 1

Керакмас буюмлардан қутулиш анъанаси **НЕПАЛ**да ҳам мавжуд. Бунинг учун Янги йил кечасида (тўлин ой ёруғида, албатта) гулхан ёқилади. Янги йилни эса, непалликлар тунда эмас, қуёш чиқиши билан қарши олишади. Шундан сўнг кун бўйи «Бўёқлар байрами» — ўзига хос карнавал ўтказилади. Одамлар юз-қўлларини турфа рангин нақшлар билан безашади ҳамда кўчаларда куй-қўшиқ айтиб, рақсга тушишади. 4

*Дунё халқлари томонидан Янги йил қаҳрамонларига турлича ном берилган. Хусусан, Қорбобо:*

**Италияда** — Баббо Натале;
**Францияда** — Пер Ноэль;
**Германия ва Англияда** — Санта Клаус;
**Колумбияда** — Паскуале ота;
**Японияда** — Сегацу сан;
**Чехия ва Словакияда** — Микулаш;
**Швецияда** Лючия исмли ёруғлик қироличаси, Кубада — Бальтасар, Гаспар ва Мельчор исмли сеҳргар қироллар Янги йилнинг бош қаҳрамонлари ҳисобланади.

**ВЕНГРИЯ**ликлар янги йилнинг дастлабки дақиқаларида ҳуштак чалишни маъқул кўришади. Бунда улар болаларнинг ҳуштакли ўйинчоқлари ҳамда найлардан фойдаланишади. Ҳуштак овози хонадонлардан инсу жинсларни ҳайдаб, бахт-саодат олиб келар экан. 9

**ШВЕЦИЯ**да Янги йил ёруғлик байрами сифатида нишонланади. Унинг бош қаҳрамони — ёруғлик қироличаси Лючия. Лючия болаларга совғалар улашади. Янги йил кечасида барча швед хонадонларида чироқ ёниб туради. 10

Энг анъанавий Янги йил, шубҳасиз, **АНГЛИЯ**да бўлиб ўтади. Дарвоқе, Янги йил табрикномаларини ҳам биринчи бўлиб инглизлар ўйлаб топган. Уйқудан олдин буюк британиялик болалар совға олиш учун ликопчалар тайёрлаб қўйишади. Бошмоқларига эса, бир сиқим пичан солиб қўйишади. Худди шу анъана Германияда ҳам бор. 11

**ЭКВАДОР**да ҳам қизиқ анъана бор. Янги йилда саёҳат қилишни истаганлар соат миллари 24:00 ни кўрсатиши билан жомадон ёки катта сумкани қўлига олиб, уй атрофини гир айланиши керак. 2

**КОЛУМБИЯ**да Янги йил карнавалининг бош қаҳрамонлари — қўғирчоқлар. Байрам арафасида шаҳар кўчаларига минглаб қўғирчоқ-клоунлар, турли эртак қаҳрамонлари чиқиб, болаларни хушнуд этишади. Колумбияликлар эски йилни ҳам қўғирчоқ қиёфасида гавдалантиришган. Узун тахта оёқли Санта (колумбиялик Қорбобо) одамлар орасида юриб, болаларга ҳангомалар айтиб беради. 5

Янги йилни, том маънода, шовқин-сурон билан кутиб олувчи мамлакатлар ҳам бор. Улардан бири — **ПАНАМА.** Ярим тунда, янги йил эшик қоқиб келаётганда каттаю кичик овози борича бақириб, қўлига илинган нарса билан шовқин кўтариши шарт. Одамларнинг овозига қўнғироқ садоларию автомобиллар сиреналари ҳам баралла жўр бўлади. 8

**ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ**да Янги йил кечаси деразалардан музлаткичлар улоқтирилса, Италияда худди шу тарзда ишлатилган дазмол, мебеллар ва бошқа эски буюмлардан халос бўлиш одат тусини олган. 3

**КУБА**даги ҳар бир хонадонда Янги йил арафасида барча идишлар сув билан тўлдирилади. Янги йил кириб келаётганда ғамланган сувни деразадан тўкиб юбориш керак. Шу тариқа оролликлар янги йилда ҳаётлари сув мисоли шаффоф ва покиза бўлишини тилашади. 6

Сув билан «муолажалар»да хитойликлар ҳаммадан ҳам ўзиб кетган кўринади. **ХИТОЙ**да Янги йил билан табрикланаётган киши ўша чоғда устидан сув қуйиб юбориши даркор. Шу туфайли байрам куни устбоши жиққа ҳўл бўлиб юриш хитойликлар учун одатий ҳол ҳисобланади. 7

**ВЬЕТНАМ**ликлар учун янги йил эрта баҳорда (21 январь ва 19 февраль оралиғида) кириб келади. Шу боис у «Баҳор байрами» деб юритилади. 12

**ҲИНДИСТОН**да ҳам Янги йилни нишонлашнинг аниқ бир санаси йўқ. Масалан, ёзнинг бошида у ерда моҳиятан Янги йилни эслатувчи Лори, кузда эса, Дивали байрамлари ўтказилади. 13

*Байрамона безатилган арча барча мамлакатларда ҳам Янги йил тимсоли ҳисобланмайди. Масалан, японлар Янги йил дарахтини **мотибана** деб аташади. Кўча эшигини улар **бамбук ҳамда қарағай дарахти шохлари** билан безатишади. Вьетнамликлар хонадонида эса, Янги йилда гули очилаётган **шафтоли дарахтининг шохлари** бўлиши шарт.*

**Наргиза БАҲОДИРОВА тайёрлади**

Tajriba

# Ҳар бир ўқувчи — бир шахс

**Бугунги мутахассис фақат ўзининг ишини, касбини пухта эгаллаган киши эмас, жуда кўп илмлардан бохабар, мустақил фикрловчи шахс ҳамдир. Завод ёки фабрикада бирор ускунани бошқариб туришнигина унинг вазифаси доирасига киритиш жуда ҳам тор қараш бўлар эди. Ҳозирги ёшларимиз қаерда меҳнат қилмасин, авваламбор, у юрагида юртга чексиз муҳаббат, келажагига юксак ишонч билан яшайдиган фуқародир.**

Мамлакатимизда йўлга қўйилган таълим тизими, соҳада яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилиб келаётган Жиззах туманидаги Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи педагогик жамоаси ҳам ана шундай онгли фуқароларни камол топтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Коллежда бу борада барча шароитлар муҳайё қилинган.

— Коллежимизда яхши тажриба йўлга қўйилган, — дейди Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи психологи Бўронбой Холйигитов. — Ўқитувчиларимиз ўқувчилар билан ҳам жамоавий тарзда, ҳам индивидуал тарзда иш олиб боришади, ўз билим ва тажрибаларини улар онгига сингдиришади.

Коллежда байрамлар ва муҳим саналарга бағишлаб доимий равишда тадбирлар, интеллектуал беллашувлар ўтказиб борилади. Бу ҳам ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касб бўйича етук мутахассис бўлишларига хизмат қилади, албатта.

**Ўткир ПЎЛАТ**



Mutolaa

# Ўтмиш саҳифалари

**Мамлакатимиз мустақиллиги қадриятларимизга қайта кўрк бағишлади. Эндиликда ўзлигимизни англаяпмиз, аждодларимиз тарихи билан танишаяпмиз. Истиқлол шундай имкон бердики, олимлар тарихнинг кашф этилмаган саҳифаларини ўрганиб, уларни омма эътиборига ҳавола этишаётир.**

Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Чориев «Ҳазрати Султон Мирҳайдар ота тарихи» китобини ўқувчиларга тақдим этди. Хожа Шамсиддин Мир Ҳайдар Султоннинг номи нафақат Қашқадарёда, балки қўшни Сурхондарё, Бухоро, ҳатто Туркманистон, Афғонистон, Эрон, қолаверса, Маккаю Мадинагача маълуму машҳурдир. Ул зот бир қанча илмлар, хусусан, тариқат билимдони, кароматгўй зот бўлганлар. Мирҳайдар отанинг асл номи Амир Шамсиддин Мирҳайдар Хуросоний бўлиб, Маккаи Мадинада, Мисрда таҳсил олганлар. 14 ёшда имом мақомига эришганлар. Балх амирига маслаҳатчи ҳам бўлганлар. Хоразм ва Бухорода бир муддат яшаб, 32 ёшда ҳозирги Касбида манзил топганлар. Замонасининг етук олими бўлганлар. Мирҳайдар отанинг ёзган китоблари Истанбул мадрасасида сақланган. Ҳикматлар ёзиб, достонлар битганлар. Шулардан бири — кийик ҳақидаги достон яхшигина тилга тушган. Мусиқа асосида инсон руҳиятини даволаш ва руҳий қувват бағишлаш масалаларини баён қилганлар. Мусиқа, хусусан, най ва ғижжак воситасида инсоннинг қалб ва руҳиятига қувват бағишлаш сирлари ҳақида китоб ёзганлар. Ул зотнинг мақбараси Қашқадарёдаги энг йирик зиёратгоҳлардан бири — Касбининг қадим Шаҳристонида жойлашган. У Султон Мирҳайдар номи билан аталади.

Мазкур китоб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм Ҳазрати Султон Мирҳайдар ота хусусидаги тарихий манбалардан ташкил топган. Иккинчи қисм эса «Султон Мирҳайдар ота ҳақида ривоятлар»дан иборат. Китобнинг сўнгги — маълумотнома қисми Қашқадарё вилояти туманлари ва шаҳарлари худудида сақланган тарихий обидалар ва зиёратгоҳқадамжолар тўғрисидадир.

Ҳазрат Муҳаммаджон Шариф Ҳисорийнинг шахсий кутубхонасида шу вақтгача ошкор этилмаган «Маноқиби ал хос хожа Мирҳайдар Султон» номли, муқоваси фил суягидан ишланган китоб Аҳмаджон Чориев тақдим этаётган янги асарга алоҳида мазмун ва моҳият бағишлаган. Шунингдек, Ҳазрати Мирҳайдар ота тўғрисида жуда кўп нақл ва ривоятлар сақланиб қолган экан, муаллиф уларни бир жойга жамлашга муваффақ бўлган. Китобдаги тафсилотлар барчага, етти ёшдан етмиш ёшгача бирдек тушунарли, ўқишли тарзда ёзилгани билан аҳамиятлидир.

**Илҳом КАРОМОВ**

Salomatlik — tuman boylik

**— Ўқишни битириб Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига ишга кирганимга ҳам икки йилдан ошди. Шу қисқа вақт ичида марказий шифохонамизда мисли кўрилмаган янгиликлар, улкан ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди травматолог-ортопед Ойбек Сафаров.**

# Қишлоқ аҳли учун яна бир қулайлик

Мамлакатимизда барча соҳаларда юксалиш, янгиланишлар юз бермоқда. Жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам. Биргина Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасида 2011 йил инвестиция дастури доирасида қирқ ўринли юқумли касалликлар бўлимининг янги биноси қуриб битказилди. Бунда 1 миллиард 651 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Ўтган йили қирқ ўринли терапия, йигирма ўринли педиатрия бўлими биноси ҳамда марказий шифохонанинг бошқа бўлимлари таъмирланди. Шу билан бирга, шифохонага 300 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар келтирилгани беморлар ва шифокорлар учун қулайликлар яратди.

— Шифохонамизнинг барча бўлимлари замонавий, кенг ва шинам, қолаверса, энг сўнгги тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган, тиббий хизмат сифати ҳам яхши, — дейди Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Ботир Мамасоатов. — Бу қулайлик касалликлар вақтида аниқланиб, тезда бартараф этилишида муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йилда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника таъмирланди. Тез кунда мазкур поликлиника аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

Бундан ташқари, туманда иккита — «Қарсоқли» ва «Обоқли» қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. ҚВПлар зарур ускуналар билан жиҳозланди. Энди қишлоқ аҳолиси саломатлигидан шикоят қилиб, туман марказига бориб юрмайди. Асосийси, аҳолининг узоғи яқин бўлди.

— Эндиликда барча касалликлар янги ўрнатилган аппаратлар ёрдамида аниқланмоқда, — дейди Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими ҳамшираси Салтанат Абдуллаева. — Биринчи навбатда, беморлар ҳолатини назорат қилишда қулайликларга эга бўлдик. Мониторда бемор пульси, қон босими, қоннинг кислородга тўйиниш даражаси кузатиб борилади. Агар бемор ҳолати ўзгарса, монитор ўзи сигнал беради.

«Саломатлик — 3» лойиҳаси асосида туман тиббиёт бирлашмасига янги рентген ва УЗИ аппаратлари келтирилиши режалаштирилган. Бундай қурилмалар беморларга аниқ ва ўз вақтида ташхис қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Ойбек Сафаров каби травматолог шифокорларга ниҳоятда зарур.

Президентимизнинг кириб келаётган 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилиши шифокорларга янада кўпроқ масъулият юклайди. Фуқароларимиз соғлом бўлса, юртимиз обод, келажагимиз мустаҳкам бўлади. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳисобланади.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**«Turkiston» мухбири**

Ma'rifat

# Комиллик манбаи

**Шогирд устозига:**
**— Менга комилликка элтувчи манзилни кўрсатинг, — деди.**
**Устоз шогирдини кутубхонага бошлабди ва айтибди:**
**— Бу — ўша манзил. Энг мақбул йўлни эса ўзинг топасан...**
**Ривоятнинг ҳикмати шуки, инсон учун комиллик манбаи доим китоблар дунёси бўлган.**



Бугунги бозор муносабатлари даврида айрим одамлар онги ва маънавиятида бўшлиқ юзага келмоқда. Ана шу бўшлиқни моддият билан тўлдиришга уринишлар ҳам мавжуд. Шу ўринда биз маънавий бўшлиқни фақат маънавиятгина тўлдириши мумкинлигини эсдан чиқармаслигимиз шарт. Маънавият эса, албатта, китоблар оламида яшайди. Шунинг учун ҳам шу олам вакиллари, яъни адабиётчиларнинг қалами учида маънавият сиёҳи туриши керак.

Китоб дўконларига тез-тез бориб тураман. Чиройли, жавонларда қатор турган китобларни кўриб севиниб кетаман. Баъзан севинчим узоққа бормайди. Ёвузлик, нафсга берилиш, зулмкорликни тарғиб этаётган маънавий қашшоқ китоблар дилимни хуфтон қилади. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик асарларини мириқиб ўқиб чиқдим. Мутолаа жараёнида хаёлга толдим, ўрни келганда завқландим, энг муҳими, руҳиятим покланганини ҳис қилдим. Адабиётнинг вазифаси ҳам, аслида, шу эмасми?

Жамиятда ҳар бир инсоннинг ўз вазифаси, масъулияти бўлади, дейишади. Ушбу вазифаларни эса қандай бажариш яна маънавиятимизга бориб тақалаверади. Маънавиятнинг асосларидан бири эса, шубҳасиз, китобдир. Китоблар дунёсига кирган ёшлар, албатта, бахтли бўладилар.

**Феруза ЖУМАНИЁЗОВА,**
**ЎзМУ қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси**

Huquqiy burch

# Тадбиркор фаолиятида қийналмасин

**Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилади.**

Мазкур қарорда электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга ошириш белгиланган.

Бугун мамлакатимизда янги иш бошлаётган кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий малакасини ошириш, уларни тадбиркорлик, солиқ ва бошқа иқтисодий қонунчиликда белгилаб берилган янгилик ва имтиёзлар билан таништириб бориш масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида иқтисодиётимизнинг ушбу соҳа вакиллари орасида солиқ интизоми, ўзаро шартномавий мажбуриятларни бажариш масъулияти тобора яхшиланиб, юқори иқтисодий самарадорликка эришилмоқда. Бироқ яратилган қулай муҳит, имтиёз ва қўллаб-қувватлашларга қарамай, жойларда баъзан айрим фуқаролар томонидан қонуний фаолият олиб боришни истамаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Биргина 2013 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида солиқ соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва ҳудудий бўлимлари томонидан 573 та жиноят иши қўзғатилган.

Солиқ бозор конъюнктурасини бошқаришда ўзига хос восита ҳисобланади. Шу боис молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тўғри йўналтириш, самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда солиқ муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Солиқ сиёсатини оқилона юритиш орқали нафақат макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, балки мукаммал бюджет сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга эришиш мумкин бўлади.

**Ҳасан ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди**

Xolis nigoh

# «Бир жуфт оққуш» рақси

**Танишлардан бирининг никоҳ тўйига бордик. Кечага зеб бериб турган келин-куёвни мисоли бир жуфт оққуш, дейсиз. Уларга кимдир суқланиб, кимдир ҳавас билан қарайди. Келинлик либоси қизларнинг ҳуснига ҳусн қўшмайдими! Ҳаммани ўзига қаратган келинчакнинг ибо билан ерга қараб туриши ҳам гўзаллигини янада яққолроқ намоён этаётгандек эди.**

— Дилёра чиройли келин бўлибди, — деди ёнимизда ўтирган қизлардан бири.

— Оқ либос унга жудаям ярашибди, — маъқуллади дугонаси.

Кўпчилик шундай таассуротда эди. Фақат тўй охирида...

Тўй аввалидаги сокин мусиқа, дилбар қўшиқлар кейинчалик шўх, ўйноқи куй-қўшиқларга уланиб кетди, кўпчиликни рақсга чорлади. Келин-куёв ҳам мусиқага ҳамоҳанг рақсга тушиб кетди. Келин кимўзарга ўйнаётгандек ҳаракатланишда куёвдан қолишмади — сакраб-сакраб ўйнади.

Давра қизигандан қизиди. Сал олдинроқ кетишга чоғланганлар бу томошадан кўз узолмай, яна қайтиб ўринларига жойлашишди. «Бир жуфт оққуш» рақси ҳамманинг эътиборини тортди.

— Келинга шипшитиб қўйинг, ўйнамасин, уят бўлади, — деди ёши улуғ онахон келиннинг онасига.

— Қўяверинг, ёшларнинг ҳаётида бунақа кун бир марта бўлади, — деди она мамнун ҳолда. — Ахир, ҳозир рақсга тушиш мода-ку, онахон.

— Замон ўзгаряпти, — деди ўтирганлардан бири.

— Замон эмас, одамлар, удумларимиз ўзгаряпти, десангиз-чи, — деди зиёли экани шундоқ кўриниб турган опахон.

«Замонавий куёв» ҳам келиннинг бу ишидан заррача хижолат тортмади, ори келмади. Ёшлар-ку, майли, уларга ўргатса бўлади, катталарчи, келин-куёвнинг ота-онаси, ака-опалари даврада бироз ҳаёни сақлаб туришлари лозимлигини уқтирса бўларди-ку.

Ҳа, удумларимиз ўзгариб боряпти, дея куюниб гапирган опанинг гапида жон бор. Тўғри, бугун ҳаётимизда кун сайин янгиланишлар, ўзгаришлар бўлаяпти. Ўзгаришлар, янгиланишлар, қулайликлар бўлсин-у, момолардан қолган удумларимиз, ўзбек қизларидаги ҳаё, андиша, ибо ўзгармасин.

Келин-куёв ўзининг тўйида ўзи рақсга тушиши қачондан бошлаб урфга кирди? Четдан кириб келаётган бундай удумлар миллий урф-одатларимизга путур етказяпти.

Ҳа энди, тўй ўйин-кулги билан, дейишингиз мумкин. Аммо бу каби бачканаликларни замонавийликка йўйверсак, қолаверса, бундай манзараларга томошабин бўлаверсак, бу каби иллатлар кейинчалик ҳаммамизга қимматга тушмайдими?

Фарзандини вояга етказиб, унинг бахтли кунларини кўриш, ўғил уйлантириш, қиз узатиш ҳар бир ота-онанинг орзу-ҳаваси. Шунинг билан бирга, фарзандларига бебаҳо удумларимизни асрашни ўргатиш ҳам уларнинг муқаддас бурчидир. Ахир, неча йиллардан бери қадрлаб келинаётган миллий урф-одатларимиз, удумларимиз уларга содиқлигимиз билан тирик ва гўзал эмасми?

**Майсара НАЗАРОВА,**
**«Turkiston» мухбири**

Obod turmush yili

# Ҳар қаричи тиллога тенг она тупроқ

**Сурхон воҳасида Ангор туманидаги Қўзи Тўлаков сув истеъмолчилар уюшмасини эшитмаган инсон бўлмаса керак. Негаки, бу ернинг аҳолиси деҳқончиликда донг таратганлардан. Уларнинг каттаю кичиги деҳқончилик сирларини яхши ўзлаштирган. Қайси фаслда қай бир хонадонга борманг, ҳовлининг бирор бўш ерини кўрмайсиз. Хонадонлар дастурхони турфа хил полиз маҳсулотлари ҳамда сархил мевалар билан тўлиб туради.**



Аввалига бунга биз ҳам ишонмадик. Шу боис ушбу манзилда бўлиб, ер билан «тиллашган» хонадонларда бўлдик. «Илғор» маҳалласида яшовчи Алламуродовлар хонадонида бўлганимизда қизғин иш устидан чиқдик. Улар плёнка остига карам экишаётган экан. Шахсий томорқадаги экинлар билан танишар эканмиз, хонадон бошлиғи Соат ака Алламуродов шундай деди:

— Бу ерга карам уруғини экаётган бўлсак, хув анави ердаги пишган карамларни бозорга чиқариб сотаяпмиз. Бундан ташқари, шолғом, турп, редиска, лавлаги ҳам етиштирамиз. Тўрт сотихли иссиқхонамизда парвариш қилинаётган лимон дарахтларидан беш миллион сўмга яқин даромад олдик. Кечки карамдан эса беш-олти миллион сўм фойда олишни кўзлаяпмиз. Деҳқончиликнинг ўзидан ҳар йили 20-25 миллион сўм даромад оламиз. Бунга қўшимча тарзда чорвачилик ва паррандачиликни ҳам ривожлантириб боряпмиз.

Қишда ҳам дид билан экилган сабзавот маҳсулотлари ҳовлига ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Асосийси, меҳнатга яраша даромад олинаяпти. Бундай меҳнатсевар хонадон аъзоларига тасанно айтгинг келади. Улар умрнинг бир дақиқасини ҳам бесамар ўтказишмайди.

Алламуродовлар каби меҳнаткаш инсонларни Қ.Тўлаков СИУнинг барча маҳалласида учратиш мумкин. Айни кунда «Илғор» маҳалласига қўшни бўлган «Баҳор» маҳалласида 3800 нафар фуқаро истиқомат қилади. Маҳаллада 158 гектар шахсий томорқа бўлиб, фуқаролар етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларимизни тўлдирибгина қолмасдан, қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Ушбу маҳаллада истиқомат қилаётган Камолиддин Сатторов хонадони бу йил лимонга ихтисослаштирилган ўн тўрт сотихли иссиқхонадан йигирма миллион сўм даромад олди.

— Маҳалла ёшларининг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Панжи Маматқулов. — Қишлоғимизда шахмат, шашка, волейбол, футбол мусобақалари кенг оммалашган. Самбо бўйича Шерзод Тожиев, шашка бўйича Муборак Ёмғирова, Шаҳноза Шонаева каби бир гуруҳ ёшларимиз туман ва вилоятда ўтказилаётган мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Жорий йил маҳалламизда 3,5 километр ички йўл таъмирланди.

Келаётган 2014 йилда маҳалламизда учта тикувчилик цехи, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, битта тўйхона қуриш режалаштирилган. Аҳолига қулайлик яратиш, савдо хизматини янада яхшилаш билан биргаликда янги иш ўринларини ҳам ташкил этиш белгилаб олинган. Шунингдек, касаначиликни ҳам ривожлантириб, уйда ўтирган аёлларнинг бандлигини таъминлаш маҳалланинг диққат марказида.

Ер билан «тиллашадиган», «гаплашадиган» инсон ҳақиқий меҳнатсевар деҳқондир. Қ.Тўлаков СИУда яшовчилар ана шундай меҳнаткаш инсонлар. Улар меҳнатдан қочмайди, чарчамайди ҳам. Шу сабаб дастурхони доим тўкин-сочин, оиласи фаровон, маҳалласи эса обод.

Ортга қайта туриб, мен ҳам улар сингари ишдан бўш вақтимда деҳқончилик билан шуғулланишни ният қилдим. Дарвоқе, бизнинг Қ.Тўлаков сув истеъмолчилар уюшмасидаги маҳаллаларда бўлишимизга сабабчи бўлган Санжарбек ишдан бўш вақтда бадиий адабиётлар мутолаасига қизиқаркан. Тиниб-тинчимас бу тенгдошимизнинг режалари катта. Келгусида у кўчат етиштириш, туманда янги боғлар барпо этиш ниятида.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Ҳар қаричи олтинга тенг она тупроғимиз бизни тўйдиради, кийинтиради. Бежиз тупроқни онага менгзашмайди-да.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**«Turkiston» мухбири**

Barkamol avlod

**Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кириб келаётган — 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши эса бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлади, албатта.**

# Соғлом бола — келажагимиз таянчи

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг, айниқса, болаларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари, соғлом ривожланишлари учун зарур шароитлар яратилди. Бу борадаги ишлар самарасини янада ошириш муҳим вазифа қилиб белгиланган.

— Юртимизда соғлом онадан соғлом бола туғилишига алоҳида эътибор билан қаралаётган бир пайтда биз, шифокорларнинг масъулиятимиз янада ортмоқда, — дейди Сирдарё вилояти Ширин шаҳридан акушер-гинеколог Зиёда Усмонова. — Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, эртанги авлоднинг соғлом ва баркамоллигини таъминлаш нафақат шифокорлик, балки инсонийлик бурчимизга ҳам айланиши зарур.

Соғлом болани шакллантириш ва ривожлантириш кўп жиҳатдан боланинг жисмоний ва функционал ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Кўпчилик ҳавас билан қарайдиган бугунги замонавий тиббий марказлар, болалар спорт иншоотлари соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилаётганлиги бор гап.

— Салкам чорак асрдан буён футболчи болалар шифокори бўлиб ишлаб келаяпман. Таҳлил ва хулосалар спорт соҳасида, хусусан, футболда ҳам юксак натижаларни қўлга киритиш учун болалар саломатлигини кичик ёшиданоқ тўғри назорат қилиш, жисмоний имкониятларини тўғри ҳисобга олиб бориш муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатаяпти. Ана шундай мақсадлар йўлида болалар ва ўсмирларнинг тиббий назоратини яхшилашга, тиббий кўрикни сифатли ўтказишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Бекободнинг «Металлург» футбол клуби шифокори Мирзабурҳон Дўстмуродов.

Боланинг соғлиғи ҳақида қайғуриш у туғилмасданоқ бошланади, дейишади тиббиёт мутахассислари. Буни ёш оила соҳиблари, бўлажак ота-оналар қанчалик англаб етсалар, келажак авлод учун шунчалик муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом бола йилида амалга ошириладиган ишлар, ушбу йўналиш бўйича белгиланадиган дастурлар келажагимиз ва мамлакатимиз таянчи бўладиган соғлом ва баркамол авлодни камол топтиришга қаратилиши шубҳасиздир.

**Ашурали БОЙМУРОД,**
**«Turkiston» мухбири**

Imkoniyat

# Фаол фуқаролик бурчимиз

**Болаликда онам менга доим: «Яхши ўқигин, болам, меҳнатдан сира қочма», — дерди. Онамнинг бу сўзлари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Бугун юртимизда яхши таълим олиб, етук мутахассис бўлиб етишиш учун барча имкониятлар етарли. Улардан ўз вақтида унумли фойдаланишимиз керак. Шундагина кўзлаган мақсадимизга етамиз.**

Йиллар ўтди. Онажоним айтганидек, ўз устимда кўп ишладим, меҳнатдан қочмадим. Жамоада, ҳамкасбларим орасида ҳурмат-эътибор қозониб, раҳбар даражасига эришдим. Бир неча йилдан буён корхонадаги етти юз нафарга яқин ишчи ва ходимлар билан бир тану бир жон бўлиб, ёнма-ён ишлаб келяпмиз.

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буни озиқ-овқат саноатида ҳам кўриш мумкин. «Сурхонозиқовқатсаноати» акциядорлик жамияти истиқлол йилларида ривожланди. Ўтган вақт мобайнида маҳсулотларимиз сифати анча ошди. Охирги йилларда корхонамиз модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланди. Айниқса, янги дезодорация цехининг ишга туширилиши қўшимча иш ўринларини яратиш билан бирга, маҳсулот сифатини яхшилаш, корхонанинг иқтисодий юксалишига имкон яратди. Шунинг эвазига корхонамизда биргина ёғ маҳсулотларининг етмиш фоизи олий навли маҳсулот сифатида қадоқланмоқда. Илгари хўжалик совунини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган саломас хомашёси бошқа вилоятлардан келтирилган бўлиб, бу бироз ноқулайлик туғдирарди. Эндиликда уни корхонамизнинг ўзида ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Шунингдек, 2014-2015 йилларда гидрогенизация цехини янгидан барпо этиш кўзда тутилган. Натижада 30-35 та қўшимча иш ўрни яратилади. Қолаверса, бошқа корхоналарнинг ҳам сифатли хомашёга бўлган эҳтиёжини қондиришга эришамиз. Корхона ишчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш асосий вазифамиздир. Уларнинг дам олиши, овқатланиши, меҳнат қилиши учун қулай шароитлар яратилган. Юртимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларга корхона ишчи ва ходимлари ҳам эга бўлишмоқда. Жорий йилда бир нечта ёш оила ана шундай янги ва замонавий уйларга кўчиб ўтди. Яратилаётган имкониятлар ва эътибордан руҳланган ишчиларимиз бунга жавобан намунали меҳнат қилиб, режани ошириб бажаришга эришишмоқда. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида корхонамизда 37,4 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш кўрсаткичи 125 фоизни ташкил қилди. Биргина олий навли ёғ ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 250 фоизга ошди.

Режага асосан бу йил 1,2 миллиард сўм йиллик фойда олиш режалаштирилган бўлса, тўққиз ой давомида бу кўрсаткич уч миллиард сўмдан ошди. Йил якунигача эса беш миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган.

Корхонамизда меҳнат қилаётган ишчиларнинг олтмиш фоизини ёшлар ташкил қилади. Президентимиз томонидан илгари сурилган «Ёшлар бизнинг келажагимиздир», деган ғоя биз учун ҳамиша дастуриламалдир. Айни вақтда корхонада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Асосий эътибор коллеж битирувчиларини ишга қабул қилишга қаратиляпти. Ёш мутахассисларнинг малакаси доимий равишда оширилмоқда. Бунинг учун олий таълим муассасаларидан тажрибали ўқитувчилар жалб қилинади.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан тантанали маросимда сўзлаган маърузасини эшитганимда ниҳоятда руҳландим. Айниқса, Юртбошимиз янги ҳаёт барпо этиш йўлида эришган ютуқларимиз, келгусида амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ҳақида тўхталиб, шу юрт ривожига ҳар ким ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини таъкидлаганида, Ватанимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилишимиз ва фидойилик кўрсатишимиз фуқаролик бурчимиз эканини янада теран англадик.

**Омондавлат САФАРОВ,**
**«Сурхонозиқовқатсаноати» акционерлик жамияти раҳбари**

Yoshlik ilhomi

# Дилларни яшнатгувчи сара сўз

**ЮРТИМ**

*Тилимдаги энг жарангдор, зўр садо,*
*Қўшиқдаги майин, дилбар, хуш наво.*
*Алладаги каломлардек пурмаъно,*
*Бу — тилларда янграгувчи юрт сўзи,*
*У — дилларни яшнатгувчи юрт сўзи.*

*Устозлардан ўрганганим эзгу сўз,*
*Юрагимга жойлаганим мангу сўз.*
*Боболарим бўғзидаги армон, бўз,*
*У — диллардан отилгувчи юрт сўзи,*
*Бу — тилларни хуш этгувчи юрт сўзи.*

*Чашмадаги оби ҳаёт мусаффо,*
*Соғинганлар юрагига чин даво.*
*Минг бор айтсак йўқотмагай ҳеч жило,*
*Бу — тилларда янграгувчи юрт сўзи,*
*У — дилларни яшнатгувчи юрт сўзи.*

**УСТОЗ**

*Сиз қалби қуёшсиз,*
*Сўзи оташсиз.*
*Сиз буюк ирода,*
*Сабр-бардошсиз.*

*Сиз оталик меҳри*
*Кўзда порлаган,*
*Сиз оналик меҳри*
*Юзда намоён.*

*Сиз бизнинг йўлимиз*
*Ёритган зиё,*
*Сиз билан мунаввар*
*Бу гўзал дунё.*

*Ўзингиз хокисор,*
*Қадрда тоғсиз.*
*Сиз оддий инсонсиз,*
*Буюк устозсиз.*

**ОНА ТИЛИМ**

*Она тили — ўз тилингни ўйламоқ,*
*Ўзга эмас, ўз тилингда сўзламоқ.*
*Яссавий ва Навоийлар қўлида*
*Юксакларда ҳилпираган ҳур байроқ.*

*Она тили — волидалар алласи,*
*Қизларнинг шўх лапарлари,ялласи.*
*Олис мозий томонлардан келади,*
*Унинг жилолари, янгроқ хуш саси.*

*Ўрганайлик жаҳондаги тилларни,*
*Одатларни, анъаналар, элларни.*
*Лекин аввал тилимизда соф сўзлаб,*
*Қулфларини очайлик бор дилларнинг!*

**Гулҳаё ЎРОЛОВА,**
**Бекобод қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежи ўқувчиси**




## Матонатига қойил

Австралиянинг Мельбурн шаҳрида лего — йиғма ўйинчоқ бўлакларидан икки ўриндиқли машина ясалди.

Фақат машина ғилдираклари, таянч қурилмалари ва двигателини легодан ясашнинг иложи бўлмади. Машинани ясаш учун бир ярим миллион дона сариқ-қора кубик керак бўлди. Стив Саммартино ғояси асосида талаба Рауль Ойада ясаган машина ҳозирда шаҳар кўчаларида бемалол юрибди. Айни пайтда машинанинг камчилиги ноқулайлигида. Яна машинада амортизатор йўқлиги ҳам панд бермоқда. Паст тезликда юраётган машинани йўл ҳаракати хизмати ходимлари рўйхатдан ўтказишни сўрашди. Машинани ясаш жараёни ва унинг кўчада юрган ҳолати «Youtube» сайтида ҳам жойлаштирилган.

## Ривожланиш қулайликни яратади

«FINsix Corporation» компанияси ноутбуклар ва нетбуклар учун мўлжалланган кичик қувватлантирувчи қурилмани тақдим этди.

Янги қурилма штепсель вилкасига эга бўлиб, ноутбукларнинг қувватлантирувчи мосламаларидан тўрт марта кичик ва олти марта енгил. Қурилманинг яна бир қулайлиги — унда смартфон ва планшетларни қувватлантирувчи портлар ҳам мавжуд. Шунингдек, қурилмада бир вақтнинг ўзида ҳам ноутбукни, ҳам смартфонни қувватлантириш мумкин. Янги қурилма келаси йилнинг ёзида сотувга чиқарилади. Ҳозирча ускунанинг нархи ошкор этилмаяпти.

## Бунақаси бўлмаган

Хитойлик контрабандачилар Гонгконггача қирқ метр ерости йўли қазишгани маълум бўлди.

Хитой чегарачилари аниқлаган тоннелнинг кириш жойи Гуандун вилояти Шэньчжэнь шаҳридаги гаражлардан бирининг ичида, чиқиш жойи Гонгконгдаги қамишзорларда бўлган. Тоннелда ёритиш тизими, вентиляция ва юкларни жўнатиш учун рельслар ҳам мавжуд. Контрабандачилар тоннелдан, асосан, телефон ва планшетлар олиб ўтишган. Тахминларга кўра, 490 минг АҚШ доллари сарфланган бу тоннел тўрт ой давомида қазилган. Гараж сохта ҳужжатлар асосида ижарага олингани учун ҳозирча полиция жиноятчиларнинг изини топа олмади.

## Хатолари топилмоқда

Айни кунларда кенг оммалашган «Telegram» дастурининг камчиликлари топилишда давом этмоқда.

Дастур асосчиси тармоқнинг камчиликларини топган кишига 200 минг АҚШ доллари мукофот пули беришини маълум қилгандан сўнг барча дастурчилар тармоқ камчиликларини қидиришга тушди. Тармоқда матнли хабарлар, мусиқа, фотосуратлар, видеолар ва жойлашган жойни узатиш мумкин. Бироқ жойлашган жойни узатаётганда ёмон ниятли одам шифрни бузиши ва ёзаётган одамнинг манзилини билиб олиши мумкинлигини блогерлардан бири топди. Хато айни пайтда тармоқ томонидан тўғриланди. «Telegram» вакили хатони топган одам билан боғланиб, мукофот пулини олиб кетишни сўраган.

**Интернет манбалари асосида**
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

# Qish ziynati



Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

Menga so'z bering

# Меҳр тафти

**Жонимиз оғриса, ота-онамиздек қайғурадиган инсон бўлмайди. Улар бизнинг соғлиғимиз, яхши ўқиб, яхши тарбия олишимиз, баркамол инсон бўлиб вояга етишимиз учун борини аямайди.**

Бугун мамлакатимизда биз, ёш авлоднинг камоли учун қилинаётган эзгу ишлар моҳиятига назар солсак, ана шу меҳр, фидойилик, ғамхўрликнининг юксак намунасига гувоҳ бўламиз. Ватанимизнинг ўз фарзандларига, ёшларга кўрсатаётган меҳру саховатини ота-онанинг ўз дилбандига бўлган меҳрига қиёсласак бўлади.

Юртбошимиз томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши бугун биз, ёшларга кўрсатилаётган алоҳида эътиборнинг яна бир ифодасидир.

«Соғ танда — соғ ақл», дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, инсон соғлом бўлсагина, ақли ҳам комил бўлади.

Фарзанд оиланинг, отаонанинг, миллатнинг орзуишончи, ҳаётнинг кўрки, шодлигидир. Боланинг келгусида қандай инсон бўлиб вояга етиши, қандай сифатларга эга бўлиши, аввало, тарбияга, у камол топаётган оилавий муҳитга боғлиқдир.

Соғлом бола нафақат жамият таянчи, балки миллатнинг ифтихори, мамлакат тараққиётининг асосидир. Киши соғлом бўлсагина, буюк ишларга қодир бўлади.

Ватан тақдири — бизнинг қўлимизда. Унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Моҳинур ҚОДИРОВА,**
**Андижон тиббиёт коллежи ўқувчиси**




Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Sport

# Гандболчиларимиз тақдирланди

**Ўзбекистон гандбол федерациясида жорий йил давомида совриндор бўлган терма жамоа вакиллари тақдирланди.**

Бу йил мамлакат чемпионатида эркаклар ўртасида Ўзбекистон миллий университети жамоаси ғолиб бўлди. Иккинчи ўринни Урганч олимпия захиралари коллежи жамоаси олган бўлса, учинчи ўринни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти гандболчилари эгаллаган. Аёллар ўртасида эса Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати жамоаси биринчи, Тошкентнинг «Ёшлик» клуби иккинчи, андижонлик гандболчилар учинчи ўринни қўлга киритди. «Йилнинг энг яхши гандболчиси» номинациясида Улуғбек Икромов ва Алина Сухонлосованинг қўли баланд келди.

Эслатиб ўтамиз, йил сўнгида Таиландда Жануби-Шарқий Осиё гандбол федерацияси томонидан илк маротаба ўтказилган чемпионатда Ўзбекистон эркаклар ва хотин-қизлар терма жамоалари вакиллари бош совринни қўлга киритган эди.

# Тайёргарлик авжида

**Бугун юртимизнинг 22 ёшгача бўлган футболчилари ўқув-машғулот йиғинлари доирасида назорат ўйинини Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига қарши ўтказишади.**

Ўқув йиғин машғулотлари ва ўртоқлик учрашувини олиб боришда Шухрат Максудовга Алексей Евстафеев, Мурод Исмоилов ва Шавкат Абдухўжаев ёрдам беради. Машғулотларда 25 нафар футболчи иштирок этмоқда.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

# КАЛЕЙДОСКОП

## БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗ ФАЙЗЛИ БЎЛСИН!

Витаминлар қувватимизни таъминлайди, соғлиғимизни бир маромда ушлаб туришга хизмат қилади. Хусусан, Янги йил байрами дастурхонини безаб турадиган маҳсулотлар таркибида ҳам ана шундай витаминлар кўп бўлиши табиий. Хўш, қайси маҳсулотда қандай витаминлар бор?

Гўшт, балиқ, жигар, сут маҳсулотлари, мева, сабзавотларда $B_6$ витамини мавжуд. Улар организмимиздаги гемоглабин синтезида муҳим ўрин тутади, иммун тизимини мустаҳкамлайди.

## АПЕЛЬСИН, МАНДАРИН, БАНАН…

Байрам дастурхонларини бу меваларсиз тасаввур этиш қийин. Лекин негадир ҳамма ҳам бу меваларни хуш кўравермайди. Уларга маслаҳатимиз, нафақат байрамда, балки иложи бўлса, ҳамиша бу мевалардан истеъмол қилиб юринг. Чунки улар С витаминига бой. Бу витамин тўқималарнинг ўсишига хизмат қилади.

## БАҚУВВАТ БЎЛАСИЗ!

Гуруч, балиқ ёки балиқ мойини тез-тез истеъмол қилиб турадиганларга ҳавас қилиш мумкин. Негаки, бу маҳсулотларда D витамини бор. У эса суяк ва тишни мустаҳкамлайди, асаб ва мускуллар фаолиятини яхшилайди.

**Турсуной ҲОЖИКУРБОНОВА тайёрлади**

## YON DAFTARCHANGIZGA

Сабрлининг бошига олма битар,
Сабрсизнинг бошига — ғавғо.

**Ўзбек халқ мақоли**


Turkiston

МУАССИС:
«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

Бош муҳаррир:
Ашуров Салим Тўраевич

Таҳрир ҳайъати:
Баҳодир Ганиев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:
Юсупов Рустам Қўчқорович

Саҳифаловчи:
Рўзиев Зафар Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.



Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-1243.
Адади — 8017

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.35
ЎзА якуни — 22.05

Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5 6